

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Исламова Рухсорахон Рустамовна

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ
РИВОЖЛАНИШИ**

**Мутахассислик: 5А340102 – Тармоқ иқтисодиёти
(Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида)**

ДИССЕРТАЦИЯ

Магистрлик илмий даражасини олиш учун ёзилган

Илмий раҳбар:
и.ф.н., Бобомуродов Х.М.

ТОШКЕНТ -2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ	
РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1 Ўзбекистон республикасида ахборотлашган иқтисодиётни ривожланишини назарий асослари.....	7
1.2. Электрон тижоратнинг ривожланишида хизматлар бозори структураси ўрни.....	15
1.3. Иқтисодиётда электрон тижорат тизими ривожланишига таъсир этувчи омиллар.....	21
II БОБ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЭЛЕКТРОН	
ТИЖОРАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ	
БАҲОЛАШ.....	31
2.1 Электрон тижоратнинг ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги ўрни.....	31
2.2 Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	42
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТНИНГ ЭЛЕКТРОН УСУЛИНИ	
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	54
3.1 Электрон тижоратнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....	54
3.2 Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожлантириш истиқболлари.....	59
ХУЛОСА.....	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	72

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Ҳозирги даврнинг муҳим масаласи, стратегик позициялаш, фирмалар томонидан мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда ахборот асри ва янги иқтисодий муҳит шароитида содда, ишчан ва ҳаётий электрон тижорат стратегияси асосида, имкониятлардан самарали фойдаланиб энг юқори фойдалилик даражасига чиқиш ҳисобланади. Шу ўринда электрон тижорат бизнес юритишнинг янги шакли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Электрон тижорат компанияларнинг керакли ресурслар оқимини самарали бошқаришда, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишда, фаолиятларини олиб боришда вақтдан ютишда, мижозлар билан ишлашда информацион тўсиқларни бошқаришда энг асосий инструмент ҳисобланади. Ҳозирги қаттиқ рақобат шароитида ҳар бир бизнес фаолиятини олиб бораётган субъектлар электрон тижорат имкониятларидан фойдаланишга мажбур. Компаниялар электрон тижорат ёрдамида бўлғуси мижозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан web тизими орқали алоқа ўрнатиш, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш, товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб-қувватлаш ва харид учун электрон тўловни амалга ошириш масаларини арзон ва қулай амалга ошириш мумкин. Шунинг учун электрон тижорат компаниялар фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб борапти.

Ривожланган давлатлар электрон тижоратнинг имкониятларини ва истиқболларини аниқ ҳис қилган ҳолатда бу соҳанинг ривожланишига етарлича инвестиция ажратяптилар. Ривожланган давлатларда электрон тижорат бу мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулотларида салмоқли ўрин эгаллайди. Ривожланган давлатлар бу соҳани янги иқтисодий тизим сифатида қарай бошлашди ва бу соҳада етакчи ўринни эгаллаш мақсадида электрон тижоратни ўргана бошлашди. Электрон тижоратни ривожлатиришга ҳалақит

берадиган тўсиқларни ечиш механизмларни ишлаб чиқишган. Европа Иттифоқи бу борада ўзининг “Электрон Европа” (e-europe) лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа Европа Иттифоқини келажакда янги иқтисодий тизимдаги ҳолатини яхшилашга муҳим рол ўйнайди.

Ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширувчи асосий жараён деб билишади. Бу давлатлардаги кичик бизнес вакиллари электрон тижоратнинг аҳамиятини секинлик билан англашмоқда. Шунини инобатга олиб, ривожланаётган давлатлар ҳукуматлари электрон тижорат ривожланишига туртки бўладиган асосий ахборот коммуникация технологиялари инфраструктурасини ривожлантиришга эътиборларини қаратмоқдалар.

Ўзбекистонда ҳам электрон тижорат жадал суръатлар билан ривожланишига гувоҳ бўляпмиз. Охириги йилларда ҳукуматимизнинг бу соҳанинг муҳимлигини англаган ҳолда олиб бораётган ислохотлари Ўзбекистонда ҳам электрон тижоратнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Электрон тижорат мамлакатимиз ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳа ривожланишига ҳалақит берадиган тўсиқларни бартараф этиш зарур.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек, “Агар биз ўзимизни 21-асрга тайёр бўлишни хоҳласак, замонавий технологиялар билан ҳамоҳанг яшашни хоҳласак, информацион технологиялар билан уйғунликда яшашни истасак, ҳаётимизга интернетни сингдиришимиз даркор”¹.

Шу билан бирга электрон тижорат мамлакатимизда фаолият олиб бораётган кичик бизнес вакиллариининг имкониятларини мислсиз даражада оширишдаги роли катта. Вақт ўтган сайин мамлакатимиздаги бизнес субъектларининг электрон савдоларга қизиқиши кескин ошмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Хом-ашё ва Товар Биржаси www.uzbex.com он-лайн савдо биржасини яратди. Ҳозирда

¹И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг 2001 йил май ойидаги сессиясидаги сўзлаган нутқидан..

мамлакатимизнинг 3 мингдан ортиқ тадбиркорлари ўзларининг маҳсулотлари билан он-лайн биржа савдоларида қатнашадилар.

Юқорида келтирилган ҳолатлар мазкур илмий тадқиқот иши долзарб масалалардан бирига бағишланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш бўйича илмий амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар аниқланди:

- электрон тижоратнинг пайдо бўлиши ва унинг моҳияти ёритиш;
- электрон тижоратнинг ривожланишида бозорининг структураси ўрни ўрганиш;
- иқтисодиётда электрон тижорат системасининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ўрганиш;
- электрон тижорат ривожланишининг ҳолати таҳлили этиш;
- электрон тижоратнинг ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги ўрни ўрганиш.
- Ахборотлашган жамият шаклланаётган шароитда электрон тижоратнинг қонуний-ҳуқуқий асослари кўриб чиқиш.
- Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожлантириш истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти**, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш, фойдаланувчиларни кўпроқ жалб этишда олиб бориладиган чора тадбирлар ва амалий тавсиялар электрон тижорат билан шуғулланаётган корхоналарга қўлланилиши мумкин.

Диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат

- электрон тижорат ва унинг моҳияти, электрон тижорат бозори структураси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, электрон тижоратни тартибга солишда давлатнинг роли ўрганилди;

- Ривожланган давлатларда электрон тижоратнинг ўсиб бораётган аҳамиятини аниқлаш, бу давлатларнинг мазкур соҳани бошқаришда, тартибга солишда ва рағбатлантиришдаги аҳамияти ёритилди;
- Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ҳуқуқий-қонуний асослари ва электрон тижоратнинг ҳозирги ҳолати баҳоланди.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда Республикасида электрон тижорат тизими билан шуғулланувчи ташкилотлар олинган.

Тадқиқот предмети. Алоқа ва аххборотлаштириш соҳаси ва электрон тижорат билан иш олиб бораётган ташкилотлар тадқиқотнинг предмети саналади.

Ишнинг синовдан ўтиши. Илмий тадқиқот материаллари “Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари” ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабаларнинг Республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2012) анжуманида ҳамда иқтисод кафедрасида (2012 йил майдаги -сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисмидан, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация 75 бетдан иборат бўлиб, 2 жадвал ва 14 расмларни ўз ичига олади.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Ўзбекистон республикасида ахборотлашган иқтисодиётни ривожланишини назарий асослари

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили ва бизнес стратегиясининг аҳамиятли қисми бўлиб электрон тиждорат (e-commerce) ва электрон бизнес (e-business) ҳисобланади. Бизнесга ахборот-коммуникацион технологияларнинг (АКТ) кириб келиши корхоналарнинг бевосита истеъмолчилар билан алоқаларида ўзига хос инқилобни вужудга келтирди. Ҳозирги даврнинг муҳим масаласи, стратегик позициялаш, фирмалар томонидан мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда ахборот асри ва янги иқтисодий муҳит шароитида содда, ишчан ва ҳаётӣ e-business стратегияси асосида, имкониятлардан самарали фойдаланиб энг юқори фойдалилик даражасига чиқиш ҳисобланади. Шу ўринда e-commerce кичик бизнесга йирик бизнес субъектлари билан рақобатлаша олиш имконини беришини алоҳида таъкидлаш керак.

Узоқ вақт давомида Ўзбекистонда алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари бир-биридан айри ҳолда ривожланиб борди. Алоқа соҳаси ўз хизмат турларининг фойдаланилиш белгисига қараб сунъий равишда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш шаклларга ажратилиб қаралди, бутун ахборотни яратиш соҳаси эса, алоқа соҳасидан алоҳида ҳолда шаклланди. Шу тариқа, ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳаси такомиллашуви ҳамда кенгайиши натижасида ўтган асрнинг 90-йиллари охирига келиб, ушбу соҳаларда қўлланиладиган ўсуллар ва воситларнинг боғланиб кетиш жараёни бошланди. Ушбу жараён «ахборотлаштириш ва телекоммуникация конвергенцияси» номини олди. Алоқа ва ахборот технологияларининг узвий қўшилиши бутун дунёда ахборот-коммуникация

номини олди. Биз ушбу тизимнинг ўзидан махсус фойдаланган ҳолда, Интернет орқали турли мамлакатларнинг замонавий оммавий қомуслари даражасида ушбу тушунчанинг таърифини топишга уриндик. Лекин, биз уни энг машҳур бўлган ва даврий равишда янгиланиб турадиган юз томлик олмон «Оидеп» қомусида ҳам, Россиянинг энг янги «Кирилл и Мефодий» қомусида ҳам топа олмадик. Ваҳоланки, уларнинг иккови ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан ўз маълумотларини, шу қаторда аудио ва видео маълумотларни жойлаштиришда кенг фойдаланадилар. Биз ушбу тушунчани турли мамлакатларнинг биз кўришимиз мумкин бўлган бошқа қомусларида ҳам учратмадик. Бу тушунчани учратмаганлигимиз унинг умуман йўқлигидан далолат бермайди, балки унинг яқиндагина юзага келганидан, энг асосийси, мазкур йўналишнинг ривожланиши шўнчалар шиддат билан амалга ошганлигидан, ҳатто илмий тафаккур уни назарий талқин қилишнинг ягона йўналишини ҳали ишлаб чиқмаганлигидан далолат беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда кейинги йилларда адабиётларда ушбу тушунчани талқин қилишга уринишлар пайдо бўла бошлади. Бизнинг нўқтаи назаримизда, ахборот-коммуникация талқинининг энг мос келадигани Л.Рейман раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан келтирилган: «Ахборот-коммуникация - бу ташкилотлар ва аҳолига ахборот-коммуникация маҳсулотлари ва хизматларни тақдим этишга мўлжалланган замонавий ахборот, компьютер ҳамда телекоммуникация технологияларини, уларни рўёбга чиқарувчи тизимлари ва воситаларини узвий равишда бирлаштирувчи мажмуадир». Ушбу таъриф «2010 йилгача бўлган даврда Россияда ахборотлаштиришни ривожлантириш» Федерал дастури концепциясига ҳам киритилган.

Мамлакатимизда янгиланиш даври талабларидан келиб чиқиб, Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош

мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузасида алоқа бозорини келгусида ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидладилар: «Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак. Замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур. Ўйлайманки, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ».

Алоқа бозорини ривожлантириш баробарида иқтисодиётнинг мазкур бозорнинг эҳтимол тутилган қатнашчилари ҳисобланувчи бошқа соҳаларини ҳам ривожлантириш зарурлигидан далолат беради. Акс ҳолда, алоқа бозорининг ҳаддан ташқари илдамлаб кетиши алоқа хизматларига бўлган талабнинг таклифга нисбатан орқада қолишига, мазкур хизматларни таклиф қилувчилар ва истеъмолчиларининг иқтисодий имкониятларида тафовут пайдо бўлишига, улар орасида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори асоссиз ошиб кетишига олиб келади.

Алоқа соҳаси бутун иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Рақобатбардош, самарали ва қиймати нуқтаи назаридан афзал бўлган алоқа тармоқлари ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтиришга, экспорт салмоғи ва солиқ тушумлари ўсишига, яъни иқтисодий тараққиётни орқага тортувчи монопол хизмат кўрсатишдан тубдан фарқ қиладиган ижобий тенденцияларни шакллантиришга олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, буларнинг барчаси ўз навбатида соҳанинг ўзини янада жадалроқ ривожлантиришни

тақозо этади. Чунончи, бугунги кунда Россиянинг 1% иқтисодий ўсишини таъминлаш учун алоқа саноатининг 3% ўсишига эришиш зарур бўлади. Бу эса алоқа тармоқлари нафақат жамият тараққиётини ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг, балки мамлакат иқтисодиёти барқарор ўсиб боришининг муҳим омили бўлиб қолишининг асосий шартларидан биридир.

Электрон хужжат айланиши тизимининг тузилиши ва ундан фойдаланишнинг умумий тамойилларини қуйида кўрсатилган.

Амалий жараён нуқтаи назаридан таъриф берсак – компьютерлашган тизим бирон-бир ишни бажариш чоғида амалга ошириладиган ҳаракат ёки қўйиладиган қадамларнинг изчиллигидир, бошқача айтганда, амалий жараёнларни электрон тарзда бажариш - бу турли фойдаланувчиларнинг алоҳида ҳаракатлари ва қадамларини ягона, узлуксиз жараёнга боғлайдиган тизимни яратишга имкон берувчи технологиядир.

Ахборот технологиялари асосида корхонани бошқариш тизими тузилишининг умумий тамойиллари:

Кенг қўламлилик - Бошқарув тизимининг фойдаланувчилар сонидан қатъий назар самарали ишлаши, шунингдек тегишли дастурий таъминот ҳисобига кенгайтириш имконияти

Тақсимлаш - Хужжатлар билан ишлашда асосий муаммолар ҳудудий бўлинган ташкилотларда юзага келади. Хужжат айланишларнинг архитектураси ташкилотнинг бошқа филиалларини боғлаганда тезлиги, алоқа каналининг сифати бир-бирига мос келиши шарт. Шунингдек архитектура тизими бошқа фойдаланувчиларни ҳам боғлаш имкониятига эга бўлиши керак.

Қолипланганлик - Хужжат айланиш тизими интеграллашган модуллардан ташкил топиши керак. Корхона бошқарув вазифаларини ечиш ва хужжатлар айланишида алоҳида модуллардан фойдаланиши мумкин

Очиқлик - Бошқарувни ахборот ва ҳужжатлар айланиш тизими турли тизим ости бошқарув бўғинлари билан боғланган бўлиши. Масалан, бухгалтерия дастурлари билан боғланиш имконияти.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида янги ахборот технологиялари юзага келди ва жадал ривожлана бошлади. Улардан ҳозирги ҳужжат айланишининг компьютерлаштириш тизимида муваффақият билан фойдаланилмоқда, хусусан:

- Imaging System² – ҳужжатлар тасвирига ишлов бериш технологиялари. Улар қоғоз ҳужжатларнинг график кўринишларини киритиш, ишлов бериш, сақлаш ва излаш учун мўлжалланган.

- Optical Character Recognition System³ - белгиларни оптик таниб олиш тизими. OSRни қўллаш қоғоз ҳужжатларни матнли файл кўринишидаги электрон шаклга айлантиришга имкон беради. OSR тизими вараққа наشر қилинган ҳужжатдан ёки факс орқали келган ҳужжатдан электрон нусха олишга имкон беради;

- Document Management System (DMS)⁴ – ҳужжатларни бошқариш тизимлари (ХБТ), ишга алоқадор ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини тизимлаштириш воситаси. Улар ҳужжатларни излаш ва сақлашни автоматлаштириш, шунингдек, турли форматдаги ҳужжатларни, шу жумладан, ҳужжатлар тасвирларини бошқариш учун мўлжалланган. Айтиш мумкинки, ХБТ таркиблашмаган ахборот учун амалда Ҳужжатлар хавфсизлигини бошқариш тизими (ХХБТ) ролини ўйнайди;

- Full – Text System⁵ – маълумотларнинг тўлиқ матнли базалари. Улар ёрдамида ахборотни индекслаш ва излаш амалга оширилади;

- Иш жараёнларини автоматлаштириш тизимлари (ИЖАТ) маълум йўналишдаги бизнес жараёнларни лойиҳалаш ва ташкил этиш воситаси –

² IDC, IBM Special Software Project Report, 2002.

³ IDC, IBM Special Software Project Report, 2002.

⁴ IDC, Collaborative Applications Market Forecast and Analysis, 2000- 2003.

⁵ IDC, 1999 Knowledge Management Survey.

Work Flow System. Бу тизимлар турли бизнес жараёнларнинг боришида жамоавий ишлов беришнинг мураккаб амалий тизимларини яратиш учун мўлжалланган. Корхонадаги ҳужжат оқимлари мавжуд бизнес-жараёнларга ва уларнинг биргаликда ишлашини регламентга солишга боғланади. Ҳужжатнинг барча иш ўринлари бўйича аниқ йўналиши олдиндан ёзиб қўйилади, ҳар бир ҳаракатланиш нуқтасида фойдаланувчиларнинг ҳужжатга бўлган ҳуқуқи белгиланади. Ҳужжат эркин йўналтирилганда, ижрочи ҳужжатнинг кейинги ҳаракатланишини белгилаши мумкин;

- Groupware⁶ – ишчи гуруҳлар учун дастурий таъминот, ижрочиларнинг электрон жиҳатдан ўзаро боғланган фаолияти, жамоавий иш учун яхлит ҳолга келтирилган муҳит. Уларнинг фаолият хусусиятига кўра доимий ахборот алмашинуви талаб қилинадиган корхона ва ходимлар учун мўлжалланган. Ҳужжатларни сақлаш, уларни кўриб чиқиш ва улардан биргаликда фойдаланиш вазифаларини амалга оширади;

- Long – term Storage⁷ – маълумотларни узоқ муддатга сақлаш учун ихтисослаштирилган жиҳозлар ва дастурий таъминот.

Ҳар бир технологик гуруҳнинг маҳсулотлари алоҳида масалаларни ечади. Аммо турли гуруҳлар маҳсулотларини таққослаш мумкин эмас (худди матнли ва график редакторларни қиёслаш маъносиз бўлганидек). Бундан ташқари, тизимни у ёки бу гуруҳга киритиш шу билан қийинлашадики, ҳар бир алоҳида олинган маҳсулот “соф кўринишда” бажарилган бўлиши шарт эмас ва бир неча технологик усулларни ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Ишга доир фаолият сингари амалий жараёнларни автоматлаштириш ҳам ҳар бир корхона учун ўзига хосдир. Таъминотчи фақат “ёрдамчи” технологияларни таклиф қилиши мумкин. Шундай бўлсада, бу технологиялар кўп вазифали бўлиб, харидорлар уларни қўллаш усулини ўзлари аниқлаб олишлари лозим.

⁶ IDC, Collaborative Applications Market Forecast and Analysis, 2000- 2003.

⁷ IDC, 1999 Knowledge Management Survey.

Шундай қилиб, ишга доир жараёнларни автоматлаштириш харидорга унинг ташкилоти учун зарур бўлган амалий жараёнларни автоматлаштириш қўлланмасини яратишга ёрдам берадиган технологияни ўзида ифода этади.

Корхоналарда марказлашган (махсус бўлинма) ва номарказлашган (бевосита таркибий бўлинмаларда) ҳужжат айланиши амалга оширилади.

Йирик корхоналарда таркибий бўлинма мавжуд бўлиб, унда раҳбар резолюцияси лойиҳаси масъул ижрочилар фамилиялари, ҳужжатни ижро этиш бўйича вазифаларнинг қисқача мазмуни ва ижро муддати кўрсатилган ҳолда тайёрланади. Мураккаб резолюциялар бир неча банддан иборат бўлади, улар турли ижрочиларга йўлланган бўлиб, турли назорат муддатларига эга бўлади.

Раҳбар ижро ёки танишиб чиқиш учун ҳужжатни имзолайди. Ҳужжат раҳбарият томонидан кўриб чиқилгач, масъул ижрочи қайд этиш карточкасига киритади.

Ҳужжатдан нусха олинади ва тилхат билан бажариш учун таркибий бўлинмага берилади. У ерда бошқа ходимга – бевосита ижрочига берилиши мумкин. Бундай вазиятда қайд этиш карточкасига янгидан белги киритиб қўйилади.

Қоида бўйича, ҳужжатнинг ижросини таъминлаш - бу унга жавоб ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва уни ҳамижрочилар билан мувофиқлаштиришдир. Ҳамижрочилар ҳужжатни тайёрлаш бўйича масъул ижрочига ҳужжатни тайёрлашга доир ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирадилар. Ҳужжат лойиҳаси унга резолюция қўйган муаллифлар ва ҳамижрочилари билан мувофиқлаштирилади. Кирувчи ҳужжатга жавобни у қайси раҳбар номига келган бўлса, ўша раҳбар ёки ҳужжат лойиҳаси яратилган бўлинма раҳбари ёзади.

Ижро интизоми ҳужжатларни ижро қилиш муддатига қатъий риоя қилишни назорат этишни ўз ичига олади.

Резолюция қўйилиб, ижрочиға келиб тушган ва бажариш муддати кўрсатилган ҳужжатлар назоратга қўйилиши лозим. Ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назорат ҳам ижрочилар, ҳам таркибий бўлинмада иш юритишга жавобгар бўлган ходимлар томонидан амалга оширилади.



1.1 расм. Электрон тижоратни ташкил қилувчилар

Йирик корхоналарда махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлиб, унинг вазифасига ҳужжатларни назоратга қўйиш, уларнинг бажарилишини

⁸ Муаллиф томонидан умумлаштирилган

кузатиб бориш, раҳбарият учун иш юритилишига доир ҳисоботларни тайёрлаш, ижро ҳужжатларини назоратидан олиш кабилар киради.

Махсус назорат бўлинмаси ёки ҳужжат айланиши учун жавобгар ходим ҳар чорақда назоратдаги топшириқларнинг бажарилиши (ҳужжат турларига кўра), шунингдек, олинган ва жўнатилган хатлар тўғрисида раҳбарга ҳисобот тайёрлайди ва тақдим қилади.

Ҳужжат лойиҳалари амалдаги қонунларга мувофиқ тузилган, барча манфаатдор бўлинмалар билан келишилган, раҳбар томонидан виза (устхат) қўйилган бўлиши зарур. Ҳужжат охирида ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини тузишда асос бўлган материаллар илова қилинган бўлиш лозим. Хизмат иерархиясига мувофиқ раҳбарлар турли тоифадаги ҳужжатларни мазкур корхонада амал қилинаётган (иш юртиш йўриқномасида қайд этилган) тартибга кўра имзолайдилар. Тегишли тарзда тузилган ва раҳбар томонидан имзоланган чиқиш ҳужжати иш юритиш учун масъул бўлган ходимга (ёки таркибий бўлинмага) қайтарилади. Ташкилотдан чиқувчи барча ҳужжатлар жўнатилаётган ҳужжатларга қайд этиш рақами берилиб, албатта рўйхатдан ўтказилиши керак.

1.2. Электрон тижоратнинг ривожланишида хизматлар бозори структураси ўрни

Амалиётда ҳужжат айланишини – ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш, ҳужжатларни тузиш ёки олишдан бошлаб, ижросини якунлаш ёки жўнатишгача бўлган вақтдаги уларнинг ҳаракатланишини таъминлаш, уларнинг ижро этилишини назорат қилиш масалаларини ўрганиб чиққан ҳолда электрон тижоратнинг ривожланишида бозорининг структураси ўрнини кўриб чиқилади.

Ҳужжат айланиши яна иккита вазифани ўз ичига олади: ҳужжатлаштириш ва архивлаштириш. Электрон иқтисодий фаолиятни турли даражада олиб

бориш мумкин. Бу интернетда компаниянинг оддий сайтини яратишдан бошлаб, унинг фаолиятини тўла он-лайн режимга ўтказиб фаолият олиб боришгача бўлиши мумкин. Электрон тижорат бозори қатнашчилари қуйидагилар ;

- Фирмалар(business)
- Истеъмолчилар(consumers), бу ерда жисмоний шахслар назарда тутилмоқда
- Давлат(government)
- Маъмурият(administration) яъни давлат ташкилотлари
- Инвесторлар(investors)

Электрон бозор қатнашчиларнинг ўзаро электрон муносабатларига қараб электрон тижорат бозори бир нечта асосий секторларга бўлинади:

- Бизнес учун бизнес⁹ (B2B-business to business)—фирмаларнинг фирмаларга хизмат кўрсатадиган сектори;
- Истеъмолчи учун бизнес¹⁰ (B2C-business to consumers) — фирмаларнинг тўғридан-тўғри жисмоний шахслардан иборат истеъмолчиларга хизмат кўрсатадиган сектори;
- Ҳукумат учун бизнес (B2G-business to government) — фирмаларнинг давлатга ёки давлатнинг фирмалар билан ўзаро электрон муносабатлар амалга оширадиган сектори;
- Истеъмолчи учун истеъмолчи¹¹ (C2C -consumer to consumer) — жисмоний шахсларнинг ўзаро электрон муносабатлар амалга ошириладиган сектори;
- Истеъмолчи учун ҳукумат (G2C-government to consumer) — давлат ташкилотлари ва жисмоний шахсларнинг ўзаро электрон муносабатлар амалга ошириладиган сектори;


⁹ Маъноси Иловадаги 1. 1 таърифда берилган.

¹⁰ Маъноси Иловадаги 1. 2 таърифда берилган.

¹¹ Маъноси Иловадаги 1. 3 таърифда берилган.

- Мобил тижорат¹² (M commerce-mobile commerce)-уяли алоқа телефонлари орқали кўрсатиладиган электрон тижорат.

Юқорида санаб ўтилган секторлар электрон тижорат бозорида улуши салмоқли бўлган секторлар ҳисобланади. Лекин уларга қўшимча қилиб C2B, G2G, C2G, G2B ва бошқа секторларни келтириш мумкин. Қуйидаги чизмада электрон тижорат қатнашчиларнинг ўзаро электрон муносабатларига қараб секторларга ажратирилиши кўрсатилган. 2-чизмада электрон қатнашчиларнинг ўзаро муносабатлари асосида шаклланган бозор структураси акс эттирилган.



1.2 расм. Электрон тижорат бозори структураси¹³

B2B (business to business) бозори структураси. B2B электрон тижорат бозорининг структураси қисқача қилиб компаниялар ўртасидаги электрон иқтисодий фаолият киради. Бу секторда компаниялартовар ва хизматларини

¹² Маъноси Иловадаги 1. 4 таърифда берилган.

¹³ <http://ru.wikipedia.org/wiki/LanDocs>

бошқа компанияларга он-лайн режимда етказадилар. Бу бозор жами электрон тижорат бозорининг 80%ини ташкил қилади¹⁴. B2B секторига турли фирмалар ўртасидаги барча савдо муносабатлари , таъминотни, сотувни ташкил қилиш, шартномаларни ва режаларни келиштириш киради. B2B тизимлари сифатида қуйидагилар тушунилади:

Procurement Systems – маҳсулот истеъмолчиларини ишлаб-чиқарувчилар билан, харидорларни сотувчилар билан алоқа тизимлари. Supply Chain Management –асосий ишлаб чиқариш учун корхонани узлуксиз равишда таъминот тўғрисида ва контрагентлар логистикаси тўғрисидаги ахборот билан таъминловчи тизим.

Бу бозорга яна қуйидагилар киради;

- Компания ресурсларини тақсимлаш системасини бошқариш(e-distribution)
- Соҳалар бўйича электрон савдо майдончалари ва электрон бозорлар
- Аутсорсинг ва электрон тўлов системалари
- Виртуал корхоналар
- Электрон биржалар, электрон аукционлар ва бошқалар киради.

АҚШ да электрон тижоратнинг B2B сектори улуши 2.2 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. Бу секторнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормокда. Шу билан бир қаторда электрон тижоратнинг B2B сектори улушининг умумий B2B бозоридаги улуши кескин ортмокда.

B2C (business to consumers)- бу компаниялар ва истеъмолчилар ўртасидаги электрон тижоратга айтилади. Бу бозорда компаниялар электрон тармоқ орқали истеъмолчиларга моддий товарлар, информацион маҳсулотларни (дастурлар, электрон китоблар, маълумотлар) етказиб беришлари мумкин. Бу сектор электрон тижоратнинг иккинчи катта бозори бўлиб, бу умумий электрон тижорат бозорининг 10 % ини ташкил қилади.

¹⁴ Zorayda Ruth B. Andam, “e-Commerce and e-Business” (The e-ASEAN Task Force and UNDP-APDIP) ,Май 2003, 9-10 бетлар

B2C транзакцион харажатларни камайтиради, истеъмолчиларнинг рақобатбардош товар ва хизматларни топишларини осонлаштиради, савдо жараёнининг тезлаштиради. Бу бозорнинг анъанавий офлайн бозоридан фарқи шундаки, бунда индивидуал истеъмолчи уйдан ёки офисдан чиқмасдан туриб, компьютер тармоғининг ёрдамида харид қилиши мумкин, ёки хизматдан фойдаланиши мумкин. Электрон тижоратнинг B2C моделининг амалда қўлланиши истеъмолчиларни кескин равишда оширди. B2B секторнинг энг таниқли компаниялари Amazon.com, Drugstore.com, Beyond.com лар кирази. Бу компаниялар фаолиятларини тўла он-лайн режимга ўтказган. Барча харидларини сайт орқали амалга оширишади. Amazon.com нинг бир йиллик сотув ҳажми 10 млрд доллардан ошади. Бу моделнинг компаниялар учун фойдали томони компанияларнинг бозорга киришини тезлаштиради, чунки виртуал бозорга кириш анъанавий оффлайн бозорларига киришдан кўра жуда арзон ва осондир.

C2C (consumer to consumer)-бу индивидуал шахслар ёки истеъмолчилар орасидаги электрон воситалар орқали амалга ошириладиган электрон тижоратга айтилади. Бу секторда жисмоний шахслар ўзаро тижорат фаолиятларини олиб боришади.

Бу секторда қуйидагилар мисол бўла олади;

- Интернет сайтлардаги эълонлар доскаси(torg.uz,stavka.uz)
- P2P (peer-to-peer system) системаси-бунда алоҳида шахслар бир-бирлари билан махсус сайтлар орқали информацион дастурлар ёки маҳсулотлар, товарлар савдосини олиб борадилар (napster.com, esnips.com)
- Интернет- аукционлар (ebay.com, uzbex.com)
- Вирусли маркетинг системаси
- Интернетда тармоқли маркетинг системаси ва бошқ.

Бу моделнинг глобал электрон бозорида улуши кичик. Лекин бу секторнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

M-Commerce (mobile commerce)- симсиз технологиялар (уяли телефон ва шахсий рақамли ёрдамчи¹⁵) ёрдамида товар ва хизматларни сотиш ва сотиб-олиш фаолиятига айтилади. Электрон тижоратнинг бу сектори тез ривожланаяпти. Бунга қуйидаги жиҳатларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин;

Симсиз технологияларнинг оммавийлашуви. 2011 йилда дунё бўйлаб 1 миллиард дана телефон сотилган ва уяли алоқа абонентлари 3.8 миллиардга етган. 2011 йилда 3.8 миллиард дана уяли алоқа телефонлари ишлатилган¹⁶;

Ундан ташқари 2011 йил якунларида Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида:

Халқаро телефон коммутация маркази – 4 та:

- Шаҳарлараро телефон станциялари – 13 та;
- Умумий сиғим 95 159 порт (канал);
- Ишлатилган сиғим 78 444 порт (канал);

Халқаро пакет коммутация маркази – 1 та (3 750 Мбит/с):

Маҳаллий телефон тармоғи:

- Жами 2 041 та телефон станция;
- Умумий ўрнатилган сиғим - 2 093 870;
- Фойдаланилаётган сиғим - 1 965 900;

Мобил коммутация марказлари(CDMA 450) – 5 та:

- Умумий сиғими 140,0 минг рақам;
- База станциялари сони 275 та.

Шаҳар телефон тармоғи

- Жами 619 та телефон станция;
- Умумий ўрнатилган сиғим - 1 818 715;
- Фойдаланилаётган сиғим - 1 639 187;

¹⁵Маъноси Иловадаги 1. 5 таърифда.

¹⁶ Daniel B. Britton, Stephen McGonegal. The Digital Economy Fact Book ninth edition, 2007, 48 - бетлар

- Тўлиқ - 100 фоиз рақамли технологиялар билан жиҳозланган.

Қишлоқ телефон тармоғи

- Жами 1 154 та телефон станция
- Умумий ўрнатилган сиғим – 275,6 минг
- Шундан рақамлиси – 128,3 минг
- Симсиз технологияларнинг кўп функцияларни бажариши;
- Одамларни бу технологиялар билан кўп вақтини ўтказиши;
- Симсиз технологиялар учун интернет технологияларни мослаштириш;
- Мобил банкингни ривожланиши ва бошқ.

1.3. Иқтисодиётда электрон тижорат тизими ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Электрон тижоратнинг ривожланишига кўпгина факторлар таъсир қилади. Ҳақиқатдан ҳам электрон тижорат ривожланишига технологик факторлар таъсир қилади, лекин технологик фактор ҳам тўла таъсир қилувчи омил бўла олмайди. Мисол учун ривожланаётган давлатларда электрон тижоратнинг ўсиш тенденцияси анча юқори. Бу давлатларда ривожланган давлатлардагидек электрон инфраструктура шаклланмаган. Бундан келиб чиқадики технологик фактордан бошқа факторлар ҳам бу соҳанинг ривожланишига салмоқли таъсир қилади. Демак, электрон тижоратнинг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилади.

Технологик омиллар. Ҳозирги кунда дунёнинг деярли 90 % и электрон инфраструктура билан таъминланган.¹⁷ Технологик омилга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- ✓ Интернет- аудиторияси ҳажмининг ўсиши ва интернет аудиторияси ўсиш темпининг ошиши;

¹⁷ Information economy report 2007-2008, science and technology for development: the new paradigm of ict , prepared by the UNCTAD secretariat, UN, NEW YORK

- ✓ Ахборот ва коммуникация технологияларнинг(АКТ) ривожланиши;
- ✓ Компьютер технологияларнинг ривожлантиришда интеллектуал потенциалнинг ошиши;

Иқтисодий омиллар. Электрон тижорат асосий фойда берадиган жиҳати у иқтисодий самарадорликни оширади. Иқтисодий самарадорликни оширишда электрон тижоратнинг қуйидаги жиҳатлари билан ёрдам беради:

- Компанияларнинг коммуникацион харажатларини анчага қисқартиради;
- Кам харажатли инфраструктура ҳисобланади;
- Хом-ашё етказиб берувчилар билан тезкор ва анча тежамкор иқтисодий битимлар олиб бериш мумкин;
- Глобал ахборот алмашишнинг кам харажатли усули ҳисобланади;
- Анча кам харажатли реклама ҳисобланади;
- Истеъмолчиларга кам харажат билан хизмат кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги сабаблардан кўриш мумкинки, электрон тижорат харажатларни асосан камайтиради ва харажатларни пасайишига таъсир қилади. Бозор иқтисодиётида фирмалар иқтисодий самарадоликни оширишга ҳаракат қиладилар. Бу нарса электрон тижоратга эҳтиёжни янада ортди. Тўлов системаларнинг табиатининг ўзгариши ҳам электрон тижоратнинг ривожланишига анча таъсир қилди. Иқтисодда пул массасининг ошиши, пул ҳаракатининг тезлаши, пулнинг ҳаракат географиясининг кенгайиши электрон тўлов системаларига эҳтиёжни яратди. Ҳозирда АҚШ да мавжуд пулларнинг 90 % ига яқини электрон кўринишга эга. Бундан кўриниб турибдики, электрон тўлов системаларга талаб электрон тижоратнинг ривожланишига сезиларли таъсир қилди.

Электрон тижорат анъанавий иқтисодий фаолиятга нисбатан бир қатор устунликлар эга. Бу фарқни бир қанча параметрларни таққослаш орқали сезиш мумкин. Анъанавий усулда иқтисодий фаолият олиб бориш он-лайн

режимда иқтисодий фаолият олиб боришдан кўра анча қимматлиги сезилади.(1.1 - жадвал) .

1.1 - жадвал.

Он-лайн савдо ва анъанавий савдонинг қиёсий жиҳатлари¹⁸

Товар гуруҳлари	Анъанавий системада сотувнинг таннари (АҚШ доллари)	Интернетда сотувнинг таннари (АҚШ доллари)
Дастурлар билан таъминлаш	15,00	0,2-0,5
Банк хизматлари	1,08	0,13
Авиа чипталар	8,0	1,0
Биллинг	2,22-3,32	0,65-1,1
Суғурта полислари	400-700	200-350
Озиқ-овқат маҳсулотлари (% ҳисобида)	25-50	5-10

Электрон тижорат ёрдамида қуйидаги масалаларни ечиш мумкин:

- Бўлғуси миждозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан веб тизими орқали алоқа ўрнатиш;
- Савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаш;
- Товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиш;
- Товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб -қувватлаш;
- Харид учун электрон тўловни амалга ошириш.

¹⁸ маълумотлар муаллиф томонидан йиғилган

Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, уларни янада такомиллаштириш, ҳар бир масалага алоҳида эътибор билан ёндашиш корхона фаолиятини янада ривожлантириш ва иқтисодий самарага эришиш учун муҳим замин яратади.

Ўз фаолиятини электрон тижорат билан узвий равишда боғлаб, олиб бораётган корхоналар қуйидаги устунлик ва имкониятларга эга бўлишлари мумкин:

- Бизнес инфратузилмасини сақлаш харажатларини камайтириш;
- Реклама харажатларини камайтириш натижасида товар нархини пасайтириш;
- Буюртмани қабул қилиш ва амалга ошириш вақтини тежаш;
- Барча буюртмалар устидан назоратни амалга ошириш;
- Бўлғуси миқдорларнинг кўпайиши;

Электрон тижоратнинг анъанавий савдо туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;
- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли харидорларнинг алоқа воситалари ёрдамида сотувчилар билан мулоқотда бўлиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш. Ортиқча вақт ва харажатларни камайтиради;

- харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;

- ҳозирги кунда чиққан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти;

- электрон тижорат сотувчининг маҳсулотларини (иш, хизматларини) сотиш жараёнидаги имкониятини янада кенгайтиради ва янгилайди. Энди сотувчи маҳсулотларини сотиш жараёнини тезлаштириши, янги ва сифатли маҳсулотларни мунтазам алмаштириши, маҳсулотларнинг айланма ҳаракатини тезлаштириши керак бўлади;

Электрон тижоратда савдони ташкил қилиш фирмаларнинг рақобатини кучайтиради, монополиядан чиқаради ва маҳсулотларнинг сифатини ошириш имкониятини беради. Харидорлар кундалик ҳаётида керакли маҳсулотлар ичида сифатлиларини танлаши мумкин. Чет эл фирмаларига мурожаат қилади.

Электрон пуллар тушунчаси:

Электрон пул – бу пул бирлигига тенглаштирилган белгилар ҳамда купюра ва танга ролини бажарувчи жуда катта сон ёки файллардир. Бундай тизимнинг фаолият кўрсатиш ҳаражатлари бошқаларидан анча кам. Бундан ташқари, электрон пуллар тўлиқ анонимликни таъминлаши мумкин, чунки уни ишлатган мижоз ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Электрон пул бирликлари.

WMY – Ўзбекистон зонасида операцияларни амалга ошириш учун UZSнинг Y-ҳамёндаги эквиваленти.

WMR – рубль зонасида операцияларни амалга ошириш учун RURнинг R-ҳамёндаги эквиваленти, WMR операцияларининг кафили бўлиб WebMoney Transfer нинг Россия ҳудудидаги вакили “БМП” МЧЖ хизмат қилади.

WMZ – АҚШ долларида операцияларни амалга ошириш учун USD нинг Z-ҳамёндаги эквиваленти.

WME – EBPO да операцияларни амалга ошириш учун EURнинг E-ҳамёндаги эквиваленти, WMZ ва WME операцияларининг кафили бўлиб Amstar Holdings Limited, S.A. хизмат қилади.

WMU – Украина зонасида операцияларни амалга ошириш учун UАНнинг U-ҳамёндаги эквиваленти, WMU операцияларининг кафили бўлиб “Украинское Гарантийное Агентство” МЧЖ хизмат қилади.

WMB – Беллорусия зонасида операцияларни амалга ошириш учун BYRнинг B-ҳамёндаги эквиваленти.

WMG – 1 грамм олтиннинг G-ҳамёндаги эквиваленти.

WBC ва WMD – WMZнинг C ва D ҳамёнлардаги кредит операциялари учун эквиваленти.

Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир.

Электрон тўлов тизимида товар/хизматлар тўлови харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги электрон тўлов тизимлари мавжуд:

- WEBSUM;
- iPAY;
- PAYNET;
- WEBMONEY;
- IntellectMoney;
- Perfect Money;
- RBK Money;
- V-money.

Электрон тўлов тизимлари ёрдамида Интернет ва IP-телефонияга уланиш учун «ПИН» кодлар ва интернет дўконлардан товарларни харид қилиш, уяли алоқа хизмати, шаҳар телефонияси, коммунал хизматлар, домен ва хостинг, реклама, телевидение, чипталар, датацентрлар, веб ресурслар учун ҳақ тўлаш мумкин.

iPAY – бу UzExдаги биржа савдоларида, www.uzbex.com глобал савдо майдончасида, ҳамда iPAY тизимида қўшилган интернет дўконларда онлайн тўловларни амалга ошириш имконини берувчи, Ўзбекистон Республикаси товар ҳом-ашё биржасининг тўлов тизимидир.



1.3 расм. WEBSUM электрон тўлов тизими.¹⁹

Тўлов тизимлари орасида алоҳида гуруҳ, бу Интернет банкинг функциясини бажарувчи тизим, яъни Интернет орқали банк операцияни амалга ошириш ҳисобланади. Интернет-банкнинг – банкдаги ҳисоб рақамни Интернет орқали бошқариш имкониятини берадиган хизмат. Интернет банкинг тизимида самарали ишлаш учун Интернетга уланган ва Интернет броузерга эга компьютер бўлиши етарли ҳисобланади.


¹⁹[www. Websum.uz](http://www.Websum.uz)

Интернет-банкнинг имкониятлари қуйидагиларни бажаришга имкон беради:

- банкка барча турдаги молиявий ҳужжатларни юбориш;
- исталган давр учун банкдаги ҳисоб рақамлардан кўчирмалар ва уларга тегишли бошқа ҳужжатларни олиш;
- ҳақиқий вақт тартибида тўлов ҳужжатлари банк ишловидан ўтишининг барча босқичларини кузатиш;
- хатолар тўғрисида хабарларни тезкор олиш;
- кирим ва чиқим тўлов ҳужжатларини кўриш ва чоп этиш.

Интернет-банкнинг ва банкдан ташқари электрон тўловлар тизимларининг янада ривожланиш жараёнида он-лайн сотувлар секторида жадал ўсишни кутиш лозим, бунда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча компаниялар Интернет тармоғи орқали товарларини бемалол сотишлари мумкин бўлади.

Тўловларнинг банкдан ташқари секторини ривожлантиришнинг кейинги босқичи бу мобил тўловлар тизимлари бўлди.



1.4 расм. Uzbex.com Ўзбекистон глобал савдо тизими.²⁰

²⁰ www.Uzbex.com

Электрон кармон - бу электрон пулларни сақлаш учун мўлжалланган восита. Товарларни сотиш ва харид қилишга мўлжалланган веб технологиялар асосида яратилган ахборот тизими томонидан амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилардан ташкил топади:

- мижозга товар (хизмат) ҳақида маълумот бериш;
- мижоздан товар (хизмат)га буюртма қабул қилиш.

Баъзан онлайнли тўлов тизимларидан фойдаланилганда учинчи вазифа-тўлов ҳақини олиш, товарни сотишда эса яна тўртинчи вазифа - ҳақи тўланган товарни жўнатиш қўшилади.

Электрон кармонни тўлдириш ва улардан пул ечишни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

1. Тижорат банкларида нақд пул билан;
2. Банк карталари (VISA, MasterCard, UzKart) ёрдамида;
3. Почта орқали;
4. Интернет-банкнинг ёрдамида;
5. Пул ўтказмалар тизимлари ёрдамида;
6. Мобил алоқа ёрдамида.

Интернет VISA ва MasterCard тўлов карточкалари.

Visa Inc. – тўлов операцияларини амалга ошириш хизматларини таъминловчи америка компанияси. VISA International Service Association - жаҳоннинг етакчи тўлов тизими ҳисобланади.

VISA карталари бўйича йиллик савдо айланмаси 4,8 триллион АҚШ долларини ташкил қилади. VISA карталари дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида қабул қилинади. Дунёда тўлов карталарининг 57% VISA карталари ташкил қилади, асосий рақобатчилари MasterCard 26% ва American Express 13% ташкил қилади.

MasterCard Worldwide – дунёнинг 210 мамлакатларидаги 22 минг молиявий ташкилотларни бирлаштирган халқаро тўлов тизими ҳисобланади. Бош офиси АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган.

Ҳозирги кунда интернет тўлов тизимлари тўлиқлигича юқорида келтирилган VISA ва MasterCard билан ишлаш имкониятига эга, яъни интернет тўлов тизимларидаги ҳамёнларни тўлдириш ёки ҳамёнлардаги ишлатилмай қолган маблағларни қайта карточкага чиқариш мумкин.



1.5 расм “Интернет дўкон”ларининг номланиши²¹

Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли кўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. WEBSUM электрон тўлов тизимидан фойдаланадиган интернет дўконлар ривожланиб бормоқда (1.5 расм).

UzEx интернет биржа — бу шахсий компьютер орқали UzEx савдо майдончаларида савдо қилиш имкониятини берувчи глобал миллий савдо майдончаси. Ушбу савдо тизими, iPAУ тизими фойдаланувчиларига, максимал қулайликлар билан осонгина ўз товарларини сотиш ва керакли товарларни харид қилиш имконини беради.

²¹ Муаллиф томонидан умумлаштирилган

II БОБ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИНГ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

2.1 Электрон тижоратнинг ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги ўрни

Ривожланган давлатларда электрон тижоратни бизнес юритишнинг асосий ажралмас бўлаги сифатида қарашса, ривожланаётган давлатларда уни бизнес юритишнинг муқобил усули деб қарашади. Сабаби ривожланаётган давлатларда кичик бизнес вакиллари асосан анъанавий усулда фаолиятларини олиб боришади. Кейинги пайтларда ривожланаётган давлатларда интернетни ва АКТни тез информацион маълумот алмашиш воситаси сифатида қарашмоқда. Лекин интернетдаги маълумот алмашиш асосан глобал характерга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, у ердаги маълумотлар улар учун кераксиз туюлмоқда. Ривожланаётган давлатларда интернет сайтлари маҳаллий бизнес вакиллари учун керакли ахборотни бераолмаслиги электрон тижоратни оқсашига олиб келмоқда. Умуман олиб қараганда электрон тижорат ривожланган давлатлардаги каби ривожланаётган давлатларда иқтисодида сингиб кетмаган. Электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги тадбиркорлар учун анча фойдалидир.

Биринчидан, электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги йирик, кичик бизнес вакиллари жаҳон бозорларига чиқишларини осонлаштиради. Энди улар анъанавий иқтисоддаги каби жаҳон бозорларига чиқишлари учун катта маблағ сарф қилмайдилар. Маркетинг харажатлари кескин тушиб кетди. Транзакцион харажатлар анчага қискарди. Тўлов жараёни вақти анъанавий савдо жараёнидан кўра анчага қискарди. Бу жараён фақат виртуал инфраструктурага қўшилиш билан эришилади.

Иккинчидан, электрон тижорат ривожланаётган давлатларда халқаро кўламда туризмни ривожланишига олиб келади.

Учинчидан, электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги қишлоқ-хўжалик маҳсулотларининг маркетингини халқаро кўламда олиб боришни осонлаштиради.

Тўртинчидан, ривожланаётган давлатлардаги кичик бизнес вакиллари халқаро B2B ва B2G бозорлардаги хом-ашё етказиб берувчилар тармоғига киришни осонлаштиради.

Бешинчидан, электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги хизмат кўрсатувчи компанияларнинг хизмат кўрсатиш доираларини кенгайтирди. Эндиликда, улар халқаро кўламда хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, электрон тижоратдан ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатлардан кўра кўпроқ ютади. Чунки ривожланаётган давлатлар ривожланаган давлатлар каби ривожланиш босқичини босиб ўтишмади. Яна ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатлардек бу соҳага инвестиция қилмаганлар. Ҳозирда ривожланаётган давлатлар энг арзон инфраструктура орқали жаҳон бозорига кириш имкониятига эга бўлдилар. Лекин бу фикр ҳам нисбий. Чунки электрон тижоратдан қайси тараф кўп наф олиши бу электрон тижоратнинг ҳаётга кўп татбиқ қилинишига боғлиқ. Мисол учун бутун дунё электрон бозорларнинг ярмидан кўпи АҚШ да жойлашган. Ҳозирда электрон тижоратни ҳаётга энг кўп татбиқ қилган ҳам, ундан энг кўп наф олаётган ҳам шу мамлакатдир. Иккинчи тарафдан Африканинг бир қашшоқ давлати оладиган бўлсак, у ерда ривожланган АКТ инфраструктураси бўлса ҳам, электрон тижоратдан манфаат кам. Чунки электрон тижоратни ҳаётга татбиқ қилиш даражаси анча паст. Электрон тижоратнинг ривожланаётган давлатлар учун фойдаси, интернет орқали товар ва хизматларнинг талаб ва таклиф даражасига боғлиқ. Шунингдек, улар электрон тижоратни ўз экспортларини оширишга

йўналтирсаларгина, электрон тижорат имкониятларидан етарлича фойдаланган ҳисобланадилар. Давлат назари билан қарайдиган бўлсак, ривожланаётган давлатлар электрон тижоратни экспорт-импорт муносабатларидан кенгайиб кетишидан унча манфаатдор эмаслар. Биламизки, ривожланаётган давлатларнинг бюджет тушумларининг асосий қисми божхона тарифларидан келиб тушади. Электрон шаклда қилинган харид қилинган маҳсулот табиийки, чегарани кесиб ўтмайди балки рақамли кўринишда етказиб берилади. Мисол учун, анъанавий савдода четдан кириб келадиган мусиқа ёзилган компакт-дискларга тариф солинади. Агар шу дискни ичидаги мусиқа, сайт орқали сотилиб, рақамли кўринишда юклаб олинса, давлат бюджети шу компакт-дискга қўйиладиган тариф миқдорича тушумдан маҳрум бўлади. Шунинг учун ривожланаётган давлатларда электрон тижорат имкониятларидан экспортни оширишда фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

АКТ инфраструктурасига катта миқдорда инвестиция ажратилишига қарамай ,ривожланаётган давлатлардаги компанияларнинг электрон тижоратни қабул қилиш жараёни секин кечмоқда. Компаниялар электрон тижоратни ўз фаолиятларига қўллаш жараёни кутганидан анча секин кечмоқда. Мисол учун ,email дан фойдаланишни оладиган бўлсак, ушбу давлатларда email ни коммуникация ёки мулоқот воситаси сифатида қарашади. Ёки бўлмасам интернетни кўнгил очиш воситаси сифатида қарашади. Жанубий-Ғарбий Осиё давлатларидаги компаниялар email дан фойдаланиш самарадорлиги бўйича анча натижаларга эришдилар. Улар email ни асосий иқтисодий битимларни олиб бориш жараёнида ва йирик сотувларни ташкил қилиш жараёнида кенг қўлладилар. Ривожланаётган давлатлардаги компанияларнинг электрон тижоратнинг қабул қилиш жараёни секинлашишига сабаблар қўйидагиларни ташкил қилади.

Электрон тижоратнинг аҳамиятини англаб етмаслик ёки ундан беҳабарлик. Ривожланаётган давлатларда кичик бизнес вакиллари

интернетни ёки электрон тижоратни кераксиз жараён деб қарашади. Бунга сабаб улар электрон тижоратни қўшимча харажат ёки ўзини қопламайдиган инвестицион фаолият деб қарашади.

Электрон тижорат ҳам анъанавий иқтисод каби бошқарилиши зарур бўлган соҳадир. Фақат бу бозор муносабатларига чекланган миқдорда аралашуш йўли билан анъанавий тижоратда давлат бошқарувчилик вазифасини бажаради. Анъанавий иқтисодий муносабатларда давлат аралашувининг ўзига хос усуллари ва инструментлари бор. Анъанавий иқтисодий муносабатларни бошқаришда ҳозирга қадар давлатлар анчагина тажрибалари мавжуд. Бу муносабатларни бошқаришда ҳар қандай муаммоларга ечимлар мавжуд. Лекин электрон тижорат соҳаси янги соҳа бўлганлиги учун ҳали бу соҳада давлатнинг бошқариш инструментлари ишлаб чиқилмаган. Электрон тижорат анъанавий иқтисодда мавжуд бўлмаган, кўпгина муносабатларни яратди. Бу муносабатларни бошқариш учун давлатларнинг етарлича тажрибаси йўқ. Электрон тижоратни тартибга солиш, уни қўллаб-қувватлаш давлатларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ривожланган давлатларда электрон тижоратни тартибга солиш, уни қўллаб-қувватлаш ва бошқаришда асосий муаммолар, ривожланаётган давлатлардагидан анча фарқ қилади. Масалан, ривожланган давлатларда электрон тижоратни қўллаб-қувватлаш, уни янада самарадорлигини ошириш мақсадида бошқаришга мойиллик анча кучли. Сабаби ривожланган давлатларда умуман олиб қарайдиган бўлсак, бизнесда самарадорликни ошириш энг асосий муаммо ҳисобланади. Шунинг учун ривожланган давлатлар электрон тижоратнинг қўллаб-қувватлашдан анча манфаатдор. Ривожланаётган давлатларда икки хил ҳолатни кўриш мумкин.

Ҳукуматнинг электрон иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга бўлган мойиллиги анча кучли давлатлар. Бу давлатларнинг ривожланиш стратегиясига боғлиқ. Агар давлатнинг иқтисодий ўсиш стратегияси экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш ва савдони

эркинлаштириш бўлса, унда ҳукумат электрон тижоратни ривожлантиришдан манфаатдор. Мисол учун, Хитой ҳукумати электрон тижоратнинг ривожлантиришдан анча манфаатдор. Чунки Хитой ҳукуматининг ривожланиш стратегияси айнан савдони эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантиришдан иборатни. Охирги йилларда Хитой ҳукуматининг умумий АКТ инфраструктурага сарф қилаётган харажатларидан кўриш мумкин. Ҳар йили АКТга қилинадиган инвестиция Хитой ЯИМнинг 5.5% ини ташкил қилади.²²

Ҳукуматнинг электрон иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга бўлган мойиллиги юқори бўлмаган давлатлар. Бу давлатларнинг ривожланиш стратегиясига импортни ўрнини босувчи ички ишлаб-чиқаришни ривожлантириш ва савдони эркинлаштиришга босқичма-босқич ўтиш усуллари киради. Бу давлатлар учун электрон тижоратнинг ривожланиши, уларнинг ривожланиш стратегияларига бир оз халақит беради. Мисол учун, импортга назорати кучли ва бюджетининг асосий даромади божхона тўловлари бўлган ривожланаётган давлатларда фуқароларнинг он-лайн чет эл товар ва хизматларидан фойдаланишлари бу давлатларнинг бюджетига салмоқли салбий таъсир қилади. Бунинг оқибатида давлатларнинг электрон тижоратни рағбатлантиришга мойиллиги сусаяди.

АКТ билим ва малаканинг камлиги. Электрон тижоратнинг ривожланишига инсон омили асосий рол ўйнайди. Лекин, ривожланаётган давлатларда техник саводхонлик даражаси қониқарли эмас. Шу билан бир қаторда компанияларда информацион технологияларни бизнесда қўллайдиган малакали ишчи кучи танқислиги кузатиляпти. Компанияларнинг интернет орқали чиқган жаҳон глобал бозорида самарали фаолият олиб боришларига пайдо бўлади. Чунки компания ишчиларнинг чекланган малакалари интернетдан тўла фойдаланишга имконият бермайди.

²² The Impact of Investment in IT on Economic Performance: Implications for Developing Countries ,Rouben Indjikian , UNCTAD, Geneva, Switzerland,2-6er

Хавфсизлик. Электрон тўловлар ва он-лайн битимларнинг хавфсизлигини таъминлаш электрон тижоратнинг кенг қабул қилиниши ва сингишини таъминлайди. Ривожланаётган давлатлардаги компанияларнинг электрон битимлар ва тўловлар олиб бориш жараёнига ишончи анча паст. Айнан шу турдаги ишончсизликни кенг тарқалиши он-лайн савдоларнинг ҳаётга кенг сингиб кетишидан тўсади.

Ривожланган давлатларда электрон тижоратнинг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган макро даражадаги қуйидаги муаммолар мавжуд .

Заиф АКТ инфраструктура. Бу инфраструктурага телефон линияларидан бошлаб, оддий компьютерлар, компьютерларнинг дастурлар билан таъминланганлик даражасигача ҳисобга олинади. Ривожланган давлатларда бу инфраструктура тўла таъминланган. Физик жиҳатдан электрон иқтисодий фаолият билан шуғулланишга имкониятлар чекланган. Бу муаммони ечишга халқаро даражадаги бир қанча таклифлар киритилган. ЖСТ нинг Доҳада бўлган музокаралар раундида бу муаммонинг ечимлари таклиф этилган. Инфраструктурани яхшилаш мақсадида бир нечта таклифлар киритилган. Булар:

- Информацион технологиялар қурилмаларига ва дастурларига бўлган тариф ва нотариф тўловларни камайтириш ёки умуман олиб ташлаш;
- Электрон тижоратнинг физик инфраструктурасини ривожлантириш учун керакли бўлган тўғридан-тўғри хориж инвестициясини жалб этиш учун чора-тадбирлар кўриш;
- Халқаро ташкилотларнинг техник ва ривожлантириш ёрдам дастурлар сонини кўпайтириш.

Инсон ва юридик инфраструктура. Заиф АКТ инфраструктура билан бир қаторда мутахассислар электрон тижоратнинг ривожланишига яна инсон ва юридик инфраструктуранинг ривожланмаганлиги ёмон таъсир қилишини таъкидлашади. Бу турдаги тўсиқларга:

- инглиз тилини билмайдиган давлатларда тил муаммоси;

- электрон иқтисодий фаолиятни олиб боришни бошқарадиган ёки тартибга соладиган қонуний асосларнинг тўла-тўқис ишлаб чиқилмаганлиги;
- электрон ҳукуматни шакллантириш жараёнини тезлаштириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, АКТ нинг кичик бизнес вакиллари томонидан ишлатилишини кенгайтиришни рағбатлантиришга ўхшаган электрон тижоратни рағбатлантириш қаратилган миллий сиёсатнинг йўқлиги;
- таълим даражасининг пастлиги ва бошқа тўсиқлар киради.

Ривожланаётган давлатларда инсонларнинг ижтимоий кайфияти ҳам бу соҳанинг кенг тарқалишига таъсир қилади. Кўпгина ривожланаётган давлатларда электрон тижоратга ижтимоий ишончсизлик билан қарашади. Бунга сабаб улар биладиган анъанавий савдо тизими уларнинг эҳтиёжларини ҳали тўла-тўқис қондиргани йўқ. Умуман олганда оммавий ижтимоий кайфият манфий бўлган ривожланаётган давлатларда инсонлар электрон тижоратга иккинчи ёки удан паст даражали эҳтиёж сифатида қарашади.

Бошқа тўсиқлар. Қўшимча сифатида яна қуйидаги тўсиқларни келтириш мумкин:

- Ривожланаётган давлатларнинг тарифлар ва солиқлардан келадиган даромадларнинг пасайиши ва бунга бу ҳукуматларнинг муносабати;
- Электрон тижоратга қуйиладиган стандартлаштириш талаблари;
- Электрон битимларни амалга ошириш учун ривожланаётган давлатларнинг банк системаларига кириш муаммоси;
- Маълумотларни ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга кўчириш технологияларнинг етишмаслиги ва бошқа тўсиқлар.

Юқоридаги муаммоларга қарамай электрон тижорат бу давлатларда етарлича тез ривожланаяпти. Кўпгина ривожланаётган давлатлар умумий АКТ инфраструктурани ривожлантиришга катта маблағ сарфламоқдалар.

Ривожланаётган давлатлар АКТга катта инвестиция киритиб, информацион технологиялардан анча арзон нархда фойдаланиш имкониятини яратишди. Шунинг учун самараси ўлароқ ривожланаётган давлатларда интернет фойдаланувчилар сони, уяли телефон ишлатувчилар сони кескин ошди.

Асосий АКТ инфраструктура кўрсаткичлари ривожланган давлатлар даражасига кўтаришмоқда. Шуларни ҳисобга олиб хулоса қилиш мумкинки электрон тижорат ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида ўз аҳамиятини топмоқда.


Давлатнинг электрон тижоратни бошқаришда бир нечта масалаларга алоҳида ёндашиб, уни ҳал қилиши керак. Булар:

- Электрон тижоратни қонуний асоси;
- Электрон тижоратни кўтара оладиган инфраструктура ва электрон тижоратнинг стандартлари;
- Электрон тижорат катнашчилари учун хавфсизлик ва ишонч;
- Электрон тижоратни талабига жавоб берадиган логистика масалалари;
- Тез ривожланиб кетаётган электрон тижорат учун зарурий малака ва маданият;
- Электрон тўлов системалари;
- Электрон тижоратни ривожлантириш учун уни молиялаштириш.

Юқоридаги масалаларни ҳал қилиш давлатнинг таъсир доирасига киради ва давлатнинг аралаша оладиган соҳалари ҳисобланади.(3-чизма)

2.1 расмда Электрон тижоратни бошқариш ва рағбатлантиришда давлатнинг ҳал қиладиган масалалари келтирилган²³.

²³ Martin Labbé “The Role of Government in the Promotion of e-Commerce” Workshop on Potential of e-commerce, Irosh, Iran, 23-27 June, 2007



2.1 расмда Электрон тижоратни бошқариш²⁴

Яна шуни таъкидлаш керакки, ривожланган давлатларда электрон тижоратни бошқариш инструментлари тўла-тўқис ишлаб чиқилмаган. Ривожланган давлатларда электрон тижоратни бошқаришда энг асосий инструмент электрон ҳукумат ҳисобланади. Электрон ҳукумат он-лайн режимда ҳукуматнинг вакили ҳисобланади. Кейинчалик электрон ҳукуматни он-лайн режимда институтционал бошқарув органига айланади. Ҳозирча эса бунга қандай эришиш йўллари кидирилмоқда. Ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни бошқаришдан кўра, ҳозир уни шакллантиришга қаратилган сиёсат муҳимроқ. Яъни ривожланаётган давлатларда бу соҳани бошқаришда муаммолар ривожланаётган давлатларникидан фарқ қилади. Ҳозирги пайтда ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни ривожлантиришда давлатнинг роли қандай бўлиши асосий долзарб муаммо бўлиб турибди. Бу давлатларда электрон тижоратнинг ривожланишига асосан хусусий секторнинг ўрни юқори бўлиш билан бир қаторда, давлатнинг роли инструментал бошқаришдан иборат бўлиши керак. Ривожланаётган давлатлар қуйидаги икки асосий вазифани бажариши керак:

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган

- Электрон тижоратнинг ривожланишига қулай муҳит яратиш сиёсатини олиб бориш керак;
- Давлат электрон тижоратни олиб боришда, уни ўз фаолиятида кенг қўллашда, аҳолига электрон ҳукумат орқали хизмат кўрсатишда энг етакчи ўринда туриши керак;

Электрон тижоратнинг ривожланишига қулай муҳит яратиш сиёсати куйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- Ахборот тармоқларидан қулай, осон ва арзон усулда фойдаланишни рағбатлантириш;
- Электрон усулда амалга оширадиган битимларни қонуний тан олиш;
- Истеъмолчиларни қаллобликдан, алданиб қолишдан ҳимоя қилиш;
- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Фуқароларни шахсий маълумотларини эксплуатация қилишдан ҳимоя қилиш;
- Компьютер тармоқларига рухсатсиз бузиб кириш, хоккерликдан қонуний ҳимояни яратиш;
- Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш.

Юқоридаги вазифаларни бажариш электрон тижорат бозори катнашчиларнинг бу соҳага бўлган ишончини ва рағбатини ортиради.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки жаҳондаги жуда кўп давлатларда, электрон иқтисодий фаолиятни қонуний асоси яратилмаган. Қонуний асос яратилган давлатларда ҳам, меъёрий ҳужжатлар электрон тижоратнинг барча қирраларини қоплай олмаган. Шу учун кўпгина ривожланаётган давлатларда қонуний тизим электрон тижорат билан шуғулланадиганларни ҳимоя қила олмайди. Мисол учун шартномаларни олайлик, мавжуд қонунчиликда “ёзиш”, “ҳужжат”, “имзо” деган терминлар ишлатилади ва бу жараёнлар қоғоз шаклидаги битимларнинг асосий таркибини ташкил қилади. Лекин жадал суръатларда ривожланаётган электрон битимларда қоғоз

шартномаларни қайд қилиб боришда ёки умуман электрон битимларда ишлатилмайди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, электрон битим ёки имзоларни ривожланаётган давлатлардаги судлар факт сифатида қабул қиладимиз, йўқми ҳали ноаниқ.

Электрон тижоратнинг ривожланиш даражасига этибор берсак (2.2-расм) 2014 га бориб умумий тижоратнинг 35 % ташкил этади.



2.2 расм. Электрон тижоратнинг ривожланиш даражаси²⁵

Ҳар бир давлат электрон савдоларнинг ва электрон тўловларнинг ҳажмини аниқ билиб бориши зарур. Чунки бу масалалар давлатнинг пул-кредит сиёсати ёки монетар сиёсатни олиб боришда етарлича таъсир қиладиган омиллар ҳисобланади. Афсуски, кўпгина давлатлар электрон савдолар ҳажми ва электрон тўловлар ҳажми ҳақида аниқ статистика олиб бормайдилар. Ҳозирча бу давлатларда бу нарсани амалга оширишнинг имкони йўқ. Лекин электрон тўловлар ва пул ўтказмалари ҳақидаги маълумот аниқ бўлиши керак. Сабаби бу статистика давлатнинг пул-кредит сиёсати, солиқ сиёсати ва божхона сиёсатини олиб боришда аниқлик киритади. Яна шу билан қаторда, мамлакатда пул ҳаракатини кузатиш имкони беради ва иқтисодиётда шаффофликни ортиради.

²⁵ www.insales.ru

2.2 Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини кенг куллаш ҳамда «ахборотлашган жамият» сари жадал интилиш мақсадида амалий чоралар курилмоқда. Аммо, бу борада килинган ишлардан келгусида килиниши керак булган ишлар кулами нихрятда кенгдир. Жахонда ахборот-коммуникация соҳаси ривожини жуда тезлик билан руй бераётганлиги сабабли бу борадаги ҳар қандай сусткашлик мамлакат тараққиётига ута салбий таъсир этиши мумкин.

Келгусида ахборот-коммуникация тизими ривожини Республика иқтисодий тараққиётининг бош йуналишларидан бирига айлантириш учун қуйидаги вазифаларни биринчи уринда ҳал қилиш талаб этилади. Чунончи, соҳа ривожини учун қулай булган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муҳитни давр талабларига мос равишда такомиллаштириш, соҳада мулкӣ муносабатларни эркинлаштириш ва ахборот-коммуникация хизматлари бозори ривожини давлат томонидан қуллаб-қувватлашни қучайтириш, соҳада фаолият қурсатаётган фирма ва компаниялар фаолиятини рағбатлантириш механизмини шакллантириш, энг асосийси, соҳанинг республикада таркиб топаётган бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган оқилона бошқарув тизимини яратиш ва бу йуналишда чуқур сифат узгаришларини амалга ошириш лозим. Табиийки бундай сифат узгаришлари бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечишга қаратилган чуқур илмӣ тадқиқотлар олиб боришни тақрзо этади. Зеро, бундай тадқиқотларсиз соҳа бошқаруви самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Шу сабаб ҳам сунгги йилларда ахборот-коммуникация технологияларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда ушбу соҳани бошқаришнинг назарий, методологик ҳамда амалий маслаҳатлари юртимиз ва хориждаги қупчилик олимлар илмӣ ишларининг мавзусига айланмоқда. Аммо,

таъкидлаш лозимки, сунгги йилларда алока ва ахборотлаштиришнинг шиддатли ривожланаётганини ҳамда устувор йуналишга айланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳани бошқаришни такомиллаштиришнинг ҳозирги кундаги муаммолари етарли тадқиқ қилинмаган. Колаверса, бор адабиётлар ҳам бошқарувнинг тор йуналишдаги у ёки бу муаммосига бағишланган бўлиб, соҳа бошқаруви муаммоларини мамлакатда амалга оширилаётган иктисодий ислохларга боғлиқ равишда комплекс ҳолда очиқ бера олмайди. Ҳолбуки, бундай талабларга жавоб берадиган илмий нашрларнинг етарли эмаслиги амалиётда кучли сезилмоқда.

Шуларни ҳисобга олиб ушбу монография муаллифлари Ўзбекистон ахборот-коммуникация соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятларини таҳлил қилган ҳолда соҳанинг устувор ва жадал ривожланишини таъминлаш, унинг бозор ислохлари талабларига мос келувчи замонавий бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни ҳамда бу борадаги ҳулосаларни уқувчилар ҳукмига ҳавола қилишни мақсад қилиб олдилар.

Албатта, бу мақсад жуда кенг қамровли бўлиб бир диссертация доирасида уни ҳар томонлама ёритишга эришиш мураккаб. Шу сабабли асосий эътиборни энг аввало, муаммонинг шу кунда долзарб бўлган қуйидаги йуналишларига қаратишни уринли деб топилди:


- республика ахборот-коммуникация тизими ривожланишининг илмий асослари ва қонуниятларини таҳлил қилиб, соҳанинг мамлакат иктисодиётининг ҳозирги босқичидаги ролини илмий жиҳатдан асослаш;
- ахборот-коммуникация соҳаси бошқарув тизимининг замонавий тамойилларига ҳамда бошқарувнинг шу кунда амал қилаётган элементлари ва усулларига илмий таъриф бериш, бу категорияларнинг иктисодиётни ислох қилиш жараёнида қайта шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашиши қонуниятларини очиқ бериш, уларнинг шу кун талабларига мос классификациясини ишлаб чиқиш;

- замонавий бошқарув тизими самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий асосларини умумлаштириш ва белгилаб олинган методологик асосда республика ахборот-коммуникация соҳаси замонавий бошқарув тизими ҳолатини илмий таҳлил қилиш, бу тизимнинг иқтисодий самарадорлигига ҳамда унинг амалга оширилаётган ислохатлар билан узаро боғлиқлик даражасига баҳо бериш;
- соҳани бошқаришда бозор тамойиллари асосидаги усуллар билан давлат томонидан бошқарув усуллари уртасидаги узаро нисбат ҳолатини таҳлил қилиш, бу нисбатнинг узғариш қонуниятларини урганиш ва шу асосда мазкур икки турдаги бошқарувнинг ҳозирги шароит учун оқилона бўлган усуллари белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- бошқарув тизимини бозор ислохотлари талабларига мос равишда эркинлаштириш даражасига баҳо бериш ва бундай эркинлаштириш йуналишларини белгилаш;
- соҳа бошқарувига оид илгор чет эл тажрибасини урганиш асосида Ўзбекистан ахборот-коммуникация тизимида баҳо (наrx), маркетинг, инвестиция ва лицензия сиёсатининг илмий асослари ҳамда амалиётини кенг таҳлил қилиш, шу асосда бошқарув тизимининг бу йуналишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш. Бошқарув тизимининг бу долзарб масалаларини ўзаро боғлаб, ҳамда очиқ бериш, албатта бошқарувда АКТ нинг мазмунини ҳамда унинг мантикий тузилишини белгилаб берди. Шунга мувофиқ. Илмий ишнинг дастлабки қисми ахборот-коммуникация соҳасида замонавий бошқарув тизимини шакллантиришнинг назарий асосларига бағишланган бўлиб, унда ўтиш даври иқтисодиёти шароитида соҳа устувор тараккиётининг илмий асослари ва ривожланиш хусусиятлари, унинг иқтисодиётдаги роли ва аҳамияти кенг очиқ берилди. Шунингдек, бошқарув тизимининг мақсади ҳамда вазифаларига иқтисодиётнинг эркинлашуви ва бозор ислохотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда илмий таъриф ҳам берилди. Ахборот-

коммуникация соҳаси замонавий бошқарув тизимининг асосий тамойиллари, элементлари, услублари ҳамда уларнинг давр талабларига мос равишда ривожланиш қонуниятлари тавсифланди.

Илмий ишнинг бу қисмида ахборот-коммуникация соҳасининг Республика иктисодиётидаги роли ва аҳамияти, соҳани бошқаришнинг замонавий тизими таҳлил килинди, бошқарувнинг самарадорлиги ва унинг ривожланишининг мамлакатда олиб борилаётган иктисодий ислохотлар билан узаро боғлиқлигига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Электрон тижоратнинг Ўзбекистонда соҳалар бўйича таҳлил қилсак, бу соҳада мамлакатимизда анча ишларни амалга ошириш кераклигини англаб қоламиз.




2.3 расм. Ўрнатилган банкоматлар сони²⁶

Соҳалар бўйича таҳлил қуйидаги натижаларни кўрсатди. Банк соҳасида электрон тижоратдан фойдаланиш. Ўзбекистонда бевосита банк ҳисобларидан жисмоний шахсларга йўқлаб олинadиган он-лайн тўловларни амалга оширишнинг ишончли тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли Интернет-тижорат нисбатан суст суръатларда ривожланмоқда. Маҳаллий

²⁶ www.cbu.uz

банклар томонидан чиқарилаётган пластик карточкалар билан фақат махсус терминаллардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш мумкин, халқаро тизимдаги пластик карточкалар билан эса тўғридан-тўғри тўловларни қабул қилиш бўйича махсус модуллارни ўрнатган он-лайн магазинларда амалга ошириш мумкин. Маҳаллий банкларнинг муомалага чиқарилаётган сўмдаги пластик карталарининг сони ошиши билан савдо шохобчаларида бундай карталар билан тўловларни қабул қилиш учун терминаллар сони ҳам ортмоқда.



2.4 расм. Пластик карталар воситасида тўловларни қабул қилиш учун терминаллар сони (жами республика бўйича)²⁷

Барча терминаллар ягона республика процессинг марказига бирлашган ва улар бўйича транзакцияларга UZKART тизимида ишлов берилади. Катта миқдорда пластик карталар чиқарган маҳаллий банкларнинг фақат биттаси ўзининг ҳисоб-китоб тизимини UZKART тизимига интеграциялаштирди ва ушбу банк мижозлари пластик карточкалар билан фақат мазкур банкнинг

²⁷ www.cbu.uz


терминаллари ўрнатилган савдо шохобчаларида тўловларни амалга оширишлари мумкин, уларда эса барча бошқа банклар – ўзига хос «универсал реципиент»ларнинг пластик карталари бўйича тўловлар амалга оширилади. Пластик карталарда тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар сони ўсиши 2006-2007 йилларда тегишли равишда 29,4% ва 24,5% ташкил этди. Энг кўп терминаллар сони Тошкент шаҳрида ўрнатилган, бу ерда битта терминалга қарийб 440 киши тўғри келади, Самарқанд вилоятида эса – 3200 дан зиёд аҳоли тўғри қилади.

Ўсиш суръатларининг пасайиши пластик карталарни муомалага чиқаришда кузатилмоқда. Жумладан, 2006 йилда чиқарилган карточкаларнинг ўсиши 53,3% ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 15,3% тенг бўлди.

Электрон тўлов тизимлари. Банк соҳасидан фарқли ўлароқ 2006 йилдан бошлаб тезкор тўловларнинг банкдан ташқари сектори шиддат билан ривожланди. Ушбу жабҳада Paynet, E-pay, Fast-pay, Unipay, Cyberplat каби савдо белгилари остида бир қанча компаниялар фаолият юритмоқда. Ушбу компаниялар аҳоли учун қулай жойларда жойлашган кўплаб агентлар тармоғи билан ишлайди ва аҳолидан уяли алоқа, Интернет-провайдерлар, халқаро телефон алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилади. Тошкент шаҳри бўйича шунингдек шаҳар телефон алоқаси, электрэнергия ва табиий газ хизматлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин. Мазкур хизматларнинг қулайлиги агентларнинг кўп сони ва белгиланган миқдор доирасида ҳар қанча суммани тўлаш имконияти мавжудлиги мазкур хизматларнинг қулайлигини таъминлайди. Ўз хизматлари учун агентлар тўлов суммасидан ўртача 2% оладилар²⁸. Тўловларнинг банкдан ташқари секторини ривожлантиришнинг кейинги босқичи бу мобил тўловлар тизимлари бўлди. Улар қаторида Mobliss савдо белгиси, тижорат соҳасига кириб борганлигини 2008 йилнинг март ойида эълон қилган PayCarta

²⁸ Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 56-бет

Интернет-тўловлар тизими ҳамда ўз тақдимотини BestSoft 2008 кўргазмасида намоиш этган eKarmon тизимидир. Қайд этилган тизимлар ўз мижозларига уяли алоқа,




2.5 расм Пластик карталар сонининг ўзгариш динамикаси²⁹

Интернет тармоғидан фойдаланиш, халқаро телефон алоқа хизматлари, Интернет-магазинлар ва тушликни етказишни амалга оширадиган ресторанлардаги харидлар учун тўловларни бажариш имконини беради. eKarmon Group компаниясидан хабар беришларича, eKarmon тизимининг ўзига хос жиҳати олди-сотдини амалга ошириш давомида хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойланувчи учун электрон рақамли имзо рўйхатга олинишида бўлиб, мижоз уни қўллаган ҳолда тўловларни амалга ошириши мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқарувчи-компания ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказини рўйхатга олди. Компания, шунингдек, eKarmon тизимида

²⁹ www.cbu.uz

тўловларни қабул қилиш имкониятига эга Интернет-магазинларни яратиш бўйича тайёр ечимларни таклиф этиш ниятида.




2.6 расм. Дунё бўйича электрон тижоратнинг тўлов турларининг ўзгариши (2011 йил)

2005 йилда Ўзбекистонда WebMoney Transfer он-лайн тўловлар тизимининг кафолати рўйхатга олинган эди, 2006 йил июлида эса муомалага WM ўзбек валютасининг WMY титул белгилари чиқарилди. Дастлабки эмиссиянинг ҳажми 100 миллион WMY ташкил этди, бу 100 миллион сўмга тенг эди³⁰. Ўзбекистон аҳолисининг ўз «кармонларини» тўлдириш ва маблағларни он-лайн-магазинларда товарларни сотиб олиш учун сарфлаш имкони пайдо бўлди. 2008 йил бошининг ҳолатига кўра, WMYни уяли алоқа, Интернет тармоғидан фойдаланиш, халқаро телефон алоқа учун тўловлар ҳамда рақамли товарлар, доменли исмлар, косметика харид қилиш учун қўллаш мумкин. Бундан ташқари, Интернет тармоғида WebMoney Transfer

³⁰ Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 56-бет

тизимининг электрон валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият юритади, улар АҚШ доллари, евро, Россия ва Беларусь рубли, Украина гривни ва бошқа Яндекс.Деньги, RuPay, E-gold каби электрон тўлов тизимларга деноминация қилинган.



2.7 расм. Ўзбекистонда пластик карталар орқали ўтказилган электрон пул миқдори³¹

WMY титул белгиларини бошқаларига алмаштириб, тизим иштирокчилари улардан маиший электроника, компьютер, алоқа воситалари ва бошқа қатор товарларни харид қилиш учун фойдаланишлари мумкин. Интернет-магазинлар. Он-лайн каталоглардаги веб-сайтлар рўйхатидан 01.01.2008 йил ҳолатига кўра, 24 виртуал магазин аниқланган, уларда товарга буюртма бериш учун «саватча-корзина» қўлланилади, рақамли товарлар ёки ПИН-кодларни он-лайн тўлов тизимларининг «пул бирликлари» сотиш ҳолларида эса уларни ўша заҳоти сотиб олиш мумкин. Аниқланган 24 магазиндан 8 таси компьютер ва электрон маиший техникани сотиш, 4 – гул

³¹ www.cbu.uz

ва совғаларни етказиш, 6 – рақамли товарлар ва уяли, халқаро алоқа, он-лайн ўйинларда иштирок этиш ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш учун тезкор тўлов карталари ПИН-кодларини сотиш, 3 – озиқ-овқат маҳсулотлари ва маиший буюмлар, 3 – китоб, мусиқа ва фильмларнинг компакт-дискларини сотишга ихтисослашган³².

Он-лайн-банкнинг ва банкдан ташқари электрон тўловлар тизимларининг янада ривожланиш жараёнида он-лайн сотувлар секторида жадал ўсишни кутиш лозим, бунда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча компаниялар Интернет тармоғи орқали товарларини бемалол сотишлари мумкин бўлади.

Давлат идораларида АКТдан фойдаланиш имконияти ва қўллаш даражаси вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар ва хокимиятлар кесимида тўпланган маълумотлар асосида баҳоланган. Олинган маълумотлар давлат идораларининг компьютер техникаси билан жиҳозланиш, локал ҳисоблаш тармоқлари (ЛХТ) ва корпоратив тармоқларини яратиш борасида сезиларли ўсишга эришилгани ҳақида далолат беради. Сўнгги 2 йил давомида давлат бошқаруви органларини компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди, яъни республика бўйича ўртача ҳисобда компьютер техникаси билан таъминланиш даражаси 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 100 хизматчига 70,2 бирликни ташкил этди. 2007 йилда жиҳозланишга оид ўсиш суръатларининг (йиллик ўсиш – 9%) 2006 йилга (йиллик ўсиш – 16%) нисбатан пасайиши давлат идораларининг компьютер техникаси билан босқичма-босқич жиҳозланишини билдиради³³.

³² Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 56-бет

³³ Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 44-бет

Шу билан бирга, эски компьютер техникасини янгисига алмаштириш деярли паст суръатларда кечаётган ҳокимиятларни компьютер техникаси билан жиҳозлаш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Давлат бошқарувида ЛХТ яратиш борасида ҳам муайян натижаларга эришилган. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра, давлат идораларининг 89,6% ЛХТ яратилган ва 2007 йилдаги ўсиш суръати (30%) сезиларли даражада 2006 йилдаги (5%) кўрсаткичдан ошди³⁴. Бу авваламбор давлат идоралари раҳбариятининг иш самарадорлиги ва тезлигини ошириш учун ташкилотларда ЛХТ мавжудлигининг афзал жиҳатларига оид хабардорликлари ва тушунчалари ошгани ҳамда бунинг натижасида тармоқ инфратузилмасини яратиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида маблағларни ажратишлари билан боғлиқдир. Яқин келажакда ЛХТ жойлардаги барча давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларида жорий этилиши лозим бўлади. Давлат бошқаруви идоралари томонидан ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган ташкилотларнинг бўлинма ва бошқармаларини яхлит ахборот маконига бирлаштиришга кўмаклашувчи корпоратив ва идоравий компьютер тармоқларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра, корпоратив компьютер тармоқлари республика бўйича давлат идораларининг 47,7% да жорий этилган, ва 2007 йил бўйича ўсиш суръатлари 2006 йилдаги кўрсаткичлардан анча юқоридир.

Ҳозирги вақтда давлат бошқаруви органлари хал этмоқчи бўлган яна бир муҳим вазифа қоғозсиз ҳужжат айланишини жорий этиш асосида идора фаолиятини бошқариш тизимини яратишдан иборат. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра, давлат органларининг идоралараро қоғозсиз ҳужжат айланишига оид улушининг ўртача кўрсаткичи 50% ташкил этди ва ушбу

³⁴ Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 44-бет

кўрсаткичнинг 2007 йилдаги ўсиш суръати 32%дан ошди³⁵. Демак, айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда давлат идоралари электрон ҳукуматни яратишнинг бошланғич босқичида турибди. Шу билан бирга, топшириқларни бажариш тезлиги ва аниқлигини ошириш ҳамда дастурлар ва лойиҳаларни режалаштириш ва амалга оширишда давлат ҳокимияти органи фаолиятини автоматлаштириш мақсадида давлат идоралари томонидан тўлақонли электрон ҳужжат айланиш тизимини (ЭХТ) жорий этиш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда давлат органларининг идоралараро қоғозсиз ҳужжат айланишининг улуши жуда пастлигича қолиб, 21% ташкил қилмоқда. Қатор давлат идоралари ушбу йўналишда дастлабки қадамларни ташлагани ва ўз маълумотлар базасидаги ахборотлар билан алмашаётганликларига қарамасдан мазкур соҳада электрон ҳужжатлар билан алмашишни ташкил этишнинг ягона стандартлари йўқлиги асосий муаммо бўлмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида АКТни ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон «Ахборотлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан давлат органлари веб-сайтларига расмий ахборот ресурслари мақоми берилди.

Шунингдек, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ UZINFOCOM маркази тизимида Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини Ахборот билан таъминлаш ва ривожлантириш гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳнинг вазифаси Ҳукумат

³⁵ БМТТД нинг Рақамли Ривожланиш Дастури “Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Умумий тушунчалар. Жаҳон тажрибаси. Ўзбекистонда жорий этиш истикболлари. ” 2005

порталига ахборот кўмагини ва тузилмавий маъмурийлаштиришни амалга оширишдан иборат. Бундан ташқари, гуруҳ томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат хокимияти органлари веб-сайтларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги экспертиза қилинади, Интернет тармоғида давлат веб-сайтларидан фойдаланиш имкониятига оид кундалик мониторинг ўтказилади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТНИНГ ЭЛЕКТРОН УСУЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1 Электрон тижоратнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

Интернет ва ахборот технологияларнинг ҳаётга кириб келиши, юридик жихатдан яна бир соҳанинг пайдо бўлишига олиб келди. Интернет-ҳуқуқи деб номланадига термин ҳозирги кунда кўп ишлатилмоқда. Табиийки, жамиятда янги бир соҳанинг кириб келиши учун ўша жамиятда шу соҳанинг қонуний асоси ишлаб чиқиши керак. Электрон тижорат ёки электрон иқтисодий фаолиятнинг қонуний асослари ривожланган давлатларда, ишлаб чиқилди. Германия ва АҚШ тажрибасидан келиб чиқадики, бу фаолият қонуний асослаш жараёни ҳамма давлатларда тезлаштирилиши керак. Биринчидан, электрон савдолар экспорт ва импорт жараёнида қўлланилганда баъзи давлатларда электрон ҳужжатни қонуний тан олиш ёки олмаслик қонунда белгиланмаган. Шу учун глобализация жараёнида қонун жихатдан уйғунликга эришиш учун давлатлар электрон тижоратнинг қонуний асосини ишлаб чиқишлари керак. Иккинчидан, қонуний асоси ишлаб чиқилмаган электрон олди-сотди жараёнларида томонлар орасида келишмовчиликни ечиб берадиган меъёрий ҳужжатларнинг йўқ эканлиги. Учинчидан, электрон иқтисодий фаолият олиб борадиган субъектларни солиққа тортиш жараёнининг қонуний асосининг йўқ эканлиги.

Электрон тижоратни ривожланиши бу фаолиятни қонуний бошқаришда бир қатор ечилмаган масалаларни вужудга келтирди. Электрон тижоратни қонуний асосини ишлаб чиқишда қуйидаги масалалар асосий ҳисобланади:

- Сотувчи ва харидолар ўртасидаги ҳисоб-китобларни олиб-бориш тартиби масалалари;
- Электрон тижорат қатнашчиларнинг солиққа тортиш масалалари;
- Маълумотларни криптографик ҳимоя қилиш масалалари;

- Электрон-имзонинг амалда қўллаш масалалари.

Юқоридаги масалаларни тартибга солиш мақсадида ,Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратнинг қонуний асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг электрон иқтисодий фаолият соҳасини тартибга солувчи қонунчилик базасида қуйидаги меъёрий ҳужжатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси:
- Умуман АКТ ва электрон тижоратга тегишли бўлган қонунлар гуруҳи.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ахборот ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг, улар шахс эркинлиги ва иқтисодий фаолият эркинлигига асосланган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Умуман АКТ ва электрон тижоратга тегишли бўлган қонунлар гуруҳи. Ўзбекистон Республикасида АКТ ва электрон тижорат соҳасини тартибга солиш учун жами 17 та қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган³⁶. Улардан асосийлари санаб ўтамиз:

- Алоқа тўғрисида қонун;
- Телекоммуникациялар тўғрисида қонун;
- Ахборотлаштириш тўғрисида қонун;
- Ахборога кафолат ва ахборотга эркин кириш тўғрисида қонун;
- Муаллифлик тўғрисида қонун;
- Маълумотларни базаси ва электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни қонуний ҳимоя қилиш тўғрисида қонун;
- Электрон имзо тўғрисида қонун;
- Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида қонун;
- Электрон тижорат тўғрисида қонун;

³⁶ Узбекистан отчет об анализе выполнения решений всемирной встречи на высшем уровне по вопросам информационного общества, подготовлено совместно Узбекским Агентством связи и информатизации (УзАСИ) и Проектом ПРООН «Политика ИКТ» (ИСТР),2007

- Электрон тўловлар тўғрисида қонун ва бошқалар.

«Электрон тижорат тўғрисида» қонун 2004 йил 29 апрелда қабул қилинди. Электрон тижорат тўғрисидаги қонун бевосита электрон тижоратга боғлиқ масалаларни қонуний асоси ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу қонуннинг 12 моддасида шундай дейилган. “Электрон ҳужжатлардан битим тузилганлигининг далили сифатида фойдаланиш мумкин.” Бу модда электрон ҳужжатлар шартнома тузилганининг қонуний асоси ҳисобланишини белгилаб берган.

«Электрон рақамли имзо тўғрисида» қонун 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади. Бу қонуннинг 20 моддасида шундай дейилган. “Муҳр билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатга айлантирилган қоғоз ҳужжатнинг мазмуни қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши мумкин.” Бу модда электрон шартнома тузилаётган жараёнда электрон имзонинг қонуний асоси ҳисобланишини белгилаб берган.

«Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу қонун электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати электрон ҳужжат айланиши кенг қўлланилишини таъминлашга, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, электрон ҳужжатдан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини

ишлаб чиқишга қаратилган. Қонуннинг 7 моддасида “Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.” ва 8 моддасида “Электрон ҳужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси, башарти у белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган бўлса, асл нусхадир.” деб белгиланган. Бундан келиб чиқадики электрон ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга.

«Электрон тўловлар тўғрисида» қонун 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади электрон тўловлар соҳасида муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 16 моддасида “Электрон тўловлар пулли тўловларга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.” Бу қонун электрон тўловларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловларни амалга ошириш учун қонуний асос ҳисобланади.

Яна электрон тижоратни ривожланишига қараб, юқоридаги қонунлар асос қилиб олиган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор тегишли меъёрий ҳужжатларни асос қилиб олиш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, булар Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 12 июндаги 120-сон «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни амалга оширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон тижорат тизими транзакцияларида олинган кўчирма (электрон чеклар)ни банк терминаллари чекларига тенглаштириш назарда тутилган. Юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича тўловларни амалга ошириш ва солиққа тортиш тартиби

электрон тижорат тизими орқали юридик шахслар томонидан товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш жараёнида қўлланилади. Бу, ўз навбатида, электрон тижорат чакана тўлов тизимининг субъектлари, яъни иштирокчилари доирасини аниқ белгилаш, амалга оширилаётган транзакциялар ҳисобини юритиш ва назорат қилишни таъминлаш, электрон тижорат ва электрон рақамли имзо тизими фойдаланувчилари сонини оширишга хизмат қилади.

Ушбу соҳадаги яна бир муҳим меъёрий ҳужжатлар қаторига «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган бошқа намунавий ҳужжатлар шакллари тайёрлаш тартиби» киради. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон «Электрон тижоратни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг 1 бандига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат электрон тижорат соҳасида ҳаракатларни расмийлаштириш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий тартибини таъминлаш, электрон шаклдаги контрактларга бўлган талабларни белгилаш ҳамда электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда электрон ҳужжатнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш бўйича ҳуқуқий шартларни ўрнатишга қаратилган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, электрон иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган жисмоний ва юридик шахсларни солиққа тортиш муаммолари ечиляпти. Шу билан бир қаторда электрон тижорат соҳасини ривожлантириш мақсадида унинг қатнашчиларини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари тизимини ишлаб чиқиляпти. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришнинг қонунчилик-ҳуқуқий асоси қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш керак:

- Аҳоли ва бизнесга он-лайн хизматларнинг ҳуқуқий тартибга солиш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш;

- Электрон тижорат бўйича айрим турлари бўйича хизмат кўрсатиш хусусиятларини қонунда қатъий мустаҳкамлаш;
- Электрон тижорат бўйича қонунга муурожаатлар тартибини белгилаб қўйиш;
- Электрон тижоратда қўлланиладиган электрон хужжатларни стандартлаштириш;
- Электрон тижорат катнашчиларининг фаолиятини лицензиялаш жараёнининг тартибини белгилаш.

Юқоридаги қонуний такомиллаштириш зарур бўлган соҳалар эндиликда электрон тижорат билан шуғулланадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятларининг қонуний асосини ташкил қилиш жараёнини секинлаштирмоқда.

Хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда электрон тижоратнинг қонунчилик-ҳуқуқий асослари етарлича ишлаб чиқилган. Шунга қарамай бир қатор ечилиш зарур бўлган юқорида қайд қилинган тадбирлар ҳам мавжуд.

3.2 Ўзбекистонда электрон тижоратнинг ривожлантириш истиқболлари

Электрон тижорат фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрелдаги 613-П сон Қонуни билан белгиланади ва амалга оширилади.

Электрон тижорат Интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади. У компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизматини кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Электрон тижоратни амалга ошириш билан бир қаторда, муаммолар ҳам мавжуд. Уларга қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин:

1. Психологик омил. Аҳолимиз ҳали виртуал муҳитда савдо қилишни аниқ тасаввур қила олмаяпти.

2. Ахборот-коммуникация инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги: АКТ кўрсаткичлари мамлакатимизнинг ҳамма нуқталарида бир хил эмас. Электрон тижорат фаолиятини олиб бориш имкони фақат катта шаҳарларда мавжуд. Қишлоқ жойларда интернет жуда кам ишлатилади. Чунки АКТ кўрсаткичларнинг пастлиги электрон тижорат билан шуғулланиш имкониятини анча пасайтиради.

3. Тадбиркорлар томонидан электрон тижорат имкониятларини аниқ тасаввур қила олмасликлари. Тадбиркорларимизнинг электрон тижоратни ўз бизнесларида фойдаланиш даражаси ўта паст. Тадбиркорларимиз электрон тижоратнинг келажагини аниқ тасаввур қила олмаяптилар.


4. Ўрта ва катта ёшдаги аҳоли ўртасида компьютер саводхонлигининг пастлиги. АКТ технологияларининг тезда мамлакатимиз ҳаётига сингишига асосий тўсиқ бўлиб турган жараён - аҳолининг ўрта ва катта ёшдаги қатламининг АКТ саводхонлик даражасининг пастлигидир.

5. Банклар томонидан Интернет тизимида тўловларни амалга ошириш бўйича хизматларнинг (Internet-banking) йўлга қўйилмаганлиги. Банкларимиз фаолият олиб боришларида асосан консерватив усулда фаолият боришга мойилликлари анча кучли. Банклар электрон тижорат ривожланишига мос равишда фаолиятларда инновацион хизмат кўрсатиш тизимларини киритмаяпти.

6. Электрон тўлов системаларининг барча соҳалар бўйича кенг қўлланмаганлиги. Электрон тўлов системалар барча соҳалар бўйича тенг ривожланмаган. Бу жараён электрон тижоратни соҳалар бўйича ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Юқоригилардан ташқари республикаimizдаги бизнес субъектлари ва умумий иқтисодий вазиятдан келиб чиққан омилларни ҳам айтиб ўтишимиз мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда нафақат он-лайн харидорлар, балки

он-лайн сотувчиларнинг ҳам сони жуда кам, яъни тадбиркорларнинг мазкур соҳадаги фаолликлари жуда суст. Интернетдан фойдаланувчиларнинг катта қисми тармоққа харид учун эмас, балки шунчаки «кезиб юриш» учун киришади. Энг асосий омиллардан яна бири бу Интернет-маркетинг ва реклама бўйича мутахассисларнинг профессионал камчиликлари кўрсатилаётган хизматларнинг сифати пасайишига олиб келади. Интернет тизимининг такомиллашуви электрон тижорат ривожланишининг асосий омили бўлиб ҳисобланади.



3.1 расм . Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилар сонининг ўсиш тенденцияси.

Маълумотларга кўра, ҳозирда республикамизда Интернет тизимидан фаол фойдаланувчилар сони 2.1 млн кишидан ортди³⁷, бу қаршимизда 2.1 млнга яқин мижоз турибди деганидир. Бу рақам мамлакат иқтисодий ривожланиши билан ортиб боради. Хусусан, Россияда 2000 йил бу кўрсаткич 2,9 млн бўлган бўлса, 2004 йилга келиб 15 млн дан ортиб кетди, 4 йил давомида фойдаланувчилар сони 5 баравардан кўпроққа ўсган. Электрон савдо ҳажми

³⁷ <http://it.uzpak.uz>

эса мос равишда 120 млн АҚШ долларида 1 354 млн АҚШ долларига кўтарилган. Ўзбекистонда электрон тижоратнинг келажаги порлоқ ва юксак истиқболга эга. Ўзбекистонда АКТ индикаторлари жадал суръатларда ўсмоқда. Ўзбекистонда интернет ва халқаро информацион тармоқлардан фойдаланишни таъминлаш тезлиги йилдан йилга ошмоқда. 01.07.2007 ҳолатига кўра информацион тармоқлардан интернет маълумот ўтказиш потенциали 239.1 Мбит/с ни ташкил қилган.(2002 йил бошида бу кўрсаткич 8 Мбит/с ни ташкил қилган). Мамлакатда АКТ соҳаси учун рақобат муҳитини яратилиш интернет хизматини таъминлаб берувчи операторлар ва провайдерлар сони ошишига олиб келди. 01.01.2008 ҳолатига кўра Ўзбекистонда мамлакатда интернет хизматини таъминлаб берувчи провайдерлар ва операторлар сони 693 тани ташкил қилган. .(2002 йил бошида бу кўрсаткич 88 тани ташкил қилган.)

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 2.2 миллион кишини ташкил қилган (2002 йил бошида бу кўрсаткич 130 минг кишини ташкил қилган). Бу муҳим кўрсаткич чунки Ўзбекистонда электрон тижоратни ошириш учун етарлича интернетдан фойдаланувчилар етарлича кўп бўлиши керак. Шу билан бир қаторда электрон тижоратнинг ривожланишига туртки бўладиган омиллардан бири уяли алоқа абонентлари сони кўплиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда АКТ воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичлари анча тез ўсяпти.


Бугунги кунда 61 давлат ҳокимияти ва бошқаруви органидан 58 ўз веб-сайтларига эга³⁸. Веб-технологияларни энг муваффақиятли қўллаш лойиҳалари орасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги (www.mzr.gov.uz), Адлия вазирлиги (www.minjust.uz), Ташқи ишлар вазирлиги (www.mfa.uz), Давлат мулк қўмитаси (www.gki.uz), Бухоро вилояти ҳокимлиги (www.bukhara.gov.uz) веб-сайтларини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

³⁸ Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 44-бет

UZINFOCOM маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари веб-сайтларининг мунтазам равишда экспертизаси ўтказилади. Ушбу фаолият «Давлат ахборот ресурсларига асосий талаблар» асосида амалга оширилади ва «GOV.UZ» яхлит давлат ахборот ресурслари порталининг таркибий қисми бўлган вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари веб-сайтларининг бир бирига мослигини таъминлашга қаратилган. Идоралар веб-сайтлари дизайн, контент, функционал имкониятлар ҳамда фойдаланиш имконияти мавжудлиги бўйича талабларга мослиги юзасидан баҳоланади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари сайтларини ахборот билан тўлдириш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат органлари веб-сайтларининг 88,7%да идора ва унинг фаолиятига оид умумий маълумотлар; 71,7% - маълумотлар давлат тилида; 75,5% - идоранинг ташкилий тузилмаси ҳақидаги ахборотлар; 66% - интерактив хизматлар; 73,6% - меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар; 11,3% - вакансиялар; 49% - танлов, савдо, тендерлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган³⁹. Шу билан бирга, айрим идораларнинг веб-сайтлари фойдаланиладиган интерфейсининг эскича тузилмасига эга, бу эса фуқароларнинг зарур маълумотлардан тезкор тарзда фойдаланиш имкониятини қийинлаштиради. Фуқаролар ва фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари билан ишлаш тартиби ҳақида маълумот берувчи ресурслар етарли даражада ривожланмаган. Вакант лавозимлар ва давлат томонидан маҳсулот сотиб олиш, тендер, танловлар бўйича ахборот ресурслар камдан-кам тақдим этилади. Айни пайтда шуни таъкидлаш лозимки, давлат органлари раҳбарлари ва ваколатли шахслари ўз форумлари мавжудлигига қарамасдан, ҳар доим ҳам ташкилотининг фаолиятига оид долзарб мавзу ва масалалар юзасидан бўладиган муҳокамаларда фаол иштирок этмайди.

³⁹ Рақамли ривожланиш дастури томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда АКТ ривожланиши шарҳи 2006-2008” Доклад, 49-бет

UZ” доменининг жорий этилиши давлатимиз номини жаҳонга янада кенгроқ танитиш имконини берди. Бироқ вазият маълум муддат чигаллигича қолди. Гап шундаки, “UZ” доменининг маъмурий бошқаруви “Eurascom Equipment GmBH” (Германия) компаниясининг Ўзбекистондаги вакили “Tomas” фирмаси орқали амалга оширилаётган эди. Бу эса домен нархининг юқори даражада ушлаб турилишига сабаб бўлиб, маҳаллий аҳолининг уни расмийлаштиришига қийинчиликлар туғдирарди. Давлатимиз томонидан бу муаммони зудлик билан ҳал этиш масаласи кўтарилди. IANA (The Internet Assigned Numbers Authority) ҳамда АҚШ тижорат депортаменти билан келишилган ҳолда қатор музокаралар ва ўрганишлардан сўнг, ниҳоят 2003 йилнинг май ойига келиб,



3.2 расм . “.UZ “домени⁴⁰ зонасида фаол сайтлар сонининг ўсиш тенденцияси.

⁴⁰ <http://hostline.ru/domains.html?gclid=CMrNvcvxpLACFUyIDgodF39VZQ>

“UZ” юқори доменини бошқариш ҳукуқи Компютер ва ахборот технологияларини жорий этиш маркази “UZINFOCOM”га берилди. Мазкур қарорнинг қабул қилиниши нафақат сиёсий нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этди, балки интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ўсиши ҳамда “UZ” доменида рўйхатдан ўтувчилар сонини ошириш бўйича қатор ишларни бажариш учун йўл очиб берди. Ҳозирда “UZ” доменидан рўйхатдан ўтиш бир йилга ўртача 25 АҚШ долларини ташкил этади. Унинг муддатини узайтириб бориш учун эса ҳар йили 20 доллар тўланади. Айтиш пайтда мамлакатимизда етти провайдер домен номларини тақдим этиш билан шуғулланади. Булар – Tomas , BILLUR COM, Sarkor Telecom, BCC, Arsenal-D, TV-Inform ва Simus провайдерларидир. АКТ инфраструктурани яхшиланиши АКТ воситалар орқали маълумотдан фойдаланиш нархини анча камайтирди. Шу билан бир қаторда, интернетдан фойдаланишнинг ўртача нархи кескин тушиб кетди. 01.01.2008 ҳолатига кўра Ўзбекистонда интернетдан фойдаланишнинг ўртача нархи 265 сўмни ташкил қилган. 2002 йил бошида бу кўрсаткич 935 сўмни ташкил қилган. Бу муҳим кўрсаткич, чунки интернетдан фойдаланиш нархи электрон тижорат ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Интернетдан коллектив фойдаланишнинг лицензиялаш жараёнининг соддалаштирилиши, интернетдан коллектив фойдаланишни таъминлайдиган интернет клублар сонининг кескин равишда ошишига олиб келди. Ўзбекистонда интернетдан коллектив фойдаланишни таъминлайдиган интернет клублар сони 680 тани ташкил қилган. 2002 йил бошида бу кўрсаткич 26 тани ташкил қилган. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришда бир қатор миллий ҳамда хорижий фирма ва компаниялар томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг дастурий таъминотлар бозори ҳажми 7-10 млн АҚШ доллари миқдорида эканлигини айтиб ўтиш керак⁴¹. Ҳукуматимизнинг сиёсати ҳам бу соҳани

⁴¹ «Экономическое обозрение» №10(85) 2006

ривожлантиришга қаратилган. Унинг устига юртбошимиз И.А. Каримов 2009 йилнинг устувор вазифалари ҳақида “ 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устивор вазифа бўлиб қолади⁴²” деб таъкидладилар. Бу нарсa ҳукуматимиз электрон тижоратни ривожлантиришга бефарқ эмаслигини билдиради.

Юқорида санаб ўтилган имконият ва камчиликлар биздан мазкур соҳага жиддий эътибор билан қарашимизни талаб қилади. Шу ўринда «Рим ҳам бир кунда қурилмаган» иборасини ёдда сақлаб, бор имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мазкур соҳани ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш керак.

⁴² И. А. Каримов. “Жаҳон иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар” — Т.: Ўзбекистон, 2009. 27- бет.

ХУЛОСА

Фан ва техниканинг ривожланиши ижтимоий ҳаётда бир қатор янги соҳаларнинг пайдо бўлишини тақозо этди. Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларнинг ривожланиши нафақат ижтимоий ҳаётда, балки бизнесда тубдан ўзгаришлар олиб келди. Электрон тижоратнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш сабаби ҳам ахборот коммуникация технологиларнинг кескин ривожланишига боғлиқ. Ахборот-коммуникацион технологияларнинг (АКТ) бизнесда қўлланилиши компанияларнинг бевосита истеъмолчилар билан алоқаларида ўзига хос инқилобни вужудга келтирди. Ҳозирги даврнинг муҳим масаласи, стратегик позициялаш, фирмалар томонидан мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда ахборот асри ва янги иқтисодий муҳит шароитида содда, ишчан ва ҳаётий электрон тижорат стратегияси асосида, имкониятлардан самарали фойдаланиб энг юқори фойдалилик даражасига чиқиш ҳисобланади.

Шу билан бирга электрон тижорат соҳасининг қамраб олган ҳудудлари ҳам кенгайди. Дастлабки таърифларда электрон тижорат деганда интернет тармоғи орқали амалга ошириладиган иқтисодий битим дейилган бўлса, эндиликда АКТ нинг ривожланиб ва электрон тижорат имкониятлари кенгайиб, ҳозирда электрон тижорат деганда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Эндиликда электрон иқтисодий фаолиятни ошириш учун нафақат интернет тармоғи, балки бошқа тармоқлар- локал тармоқ, виртуал локал тармоқ, корпоратив тармоқ, минтақавий тармоқлар ҳам кенг қўлланилади.

Электрон тижорат бозори қатнашчилари қуйидагилар –фирмалар , истеъмолчилар, давлат, маъмурият яъни давлат ташкилотлари, инвесторлар бўлиши мумкин. Электрон бозор қатнашчиларнинг ўзаро электрон

муносабатларига қараб электрон тижорат бозори бир нечта асосий секторларга бўлинади. Булар- бизнес учун бизнес, истеъмолчи учун бизнес, ҳукумат учун бизнес, истеъмолчи учун истеъмолчи, истеъмолчи учун ҳукумат ва мобил тижорат. Бу электрон тижорат бозори секторларидан бизнес учун бизнес, истеъмолчи учун бизнес секторларининг биргаликдаги улуши 90 % га яқин.

Электрон тижоратнинг ривожланишига технологик омиллар, бозор омиллари, иқтисодий омиллар таъсир қилади. Шу билан бир қаторда, ўз фаолиятини электрон тижорат билан узвий равишда боғлаб олиб бораётган корхоналар қуйидаги устунлик ва имкониятларга эга бўлишлари мумкин - бизнес инфратузилмасини сақлаш харажатларини камайтириш, реклама харажатларини камайтириш натижасида товар нархини пасайтириш, буюртмани қабул қилиш ва амалга ошириш вақтини тежаш, барча буюртмалар устидан назоратни амалга ошириш, бўлғуси миқозларнинг кўпайиши, ўз бизнесини глобал миқёсда олиб бориш.

Ривожланган давлатларда электрон тижоратнинг имкониятларидан фойдаланиш, уни ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўллаш юқори даражада ривожланган. Бунга сабаб электрон тижоратнинг ривожланишига восита бўладиган муҳит- информатикани ривожланишига тўртки бўладиган умумий инфраструктура, ахборот-коммуникацион технологияларнинг(АКТ) ривожланганлик даражаси, информацион тармоқларнинг(интернет тармоғи,) мавжудлиги ва бу тармоқларга ҳар бир фуқарога кириш имкониятининг мавжудлиги, ахборот-коммуникацион технологияларнинг(АКТ) соҳасининг кадрлар билан таъминланганлик даражаси, жамиятнинг АКТ нинг ишлатиш даражаси юқори даражада таъминланган. Шунга қарамасдан ривожланган давлатларда электрон тижоратнинг имкониятлардан тўла қонли фойдаланишга ҳалақит берадиган турли тўсиқлар мавжуд. Булар - тил тўсиқлари, интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши, турли хил солиқ ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) системалари, турли хилдаги валюталар,

электрон тижоратни амалга оширишда қўлланиладиган техник стандартларнинг хар хиллиги ва бошқалар.

Лекин ривожланаётган давлатлар учун электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиш анча манфаат келтиради. Булар- йирик, кичик бизнес вакиллариини жаҳон бозорларига чиқишларини осонлаштиради, электрон тижорат ривожланаётган давлатларда ҳалқаро қўламда туризмни ривожланишига олиб келади, электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги қишлоқ-хўжалик маҳсулотларининг маркетингини ҳалқаро қўламда олиб боришни осонлаштиради, ривожланаётган давлатлардаги кичик бизнес вакиллариини ҳалқаро B2B ва B2G бозорлардаги хом-ашё етказиб берувчилар тармоғига киришни осонлаштиради, электрон тижорат ривожланаётган давлатлардаги хизмат кўрсатувчи компанияларнинг хизмат кўрсатиш доираларини кенгайтирди ва бошқалар.

Электрон тижорат ҳам анъанавий иқтисод каби бошқарилиши ва тартибга солиниши зарур бўлган соҳадир. Лекин электрон тижорат соҳаси янги соҳа бўлганлиги учун ҳали бу соҳада давлатнинг бошқариш инструментлари ишлаб чиқилмаган. Шу билан бир қаторда, бу муносабатларни бошқариш учун давлатларнинг етарлича тажрибаси йўқ. Электрон тижоратни тартибга солиш, уни қўллаб-қувватлаш давлатларнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг электрон иқтисодий фаолият соҳасини тартибга солувчи қонунчилик базаси етарлича яратилган. Ўзбекистон Республикасида АКТ ва электрон тижорат соҳасини тартибга солиш учун жами 17 та қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Булар - электрон имзо тўғрисида қонун, электрон ҳужжат айланиши тўғрисида қонун, электрон тижорат тўғрисида қонун, электрон тўловлар тўғрисида қонун ва бошқалар. Шу билан бир қаторда - Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришнинг қонунчилик-ҳуқуқий асоси қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш керак. Булар- аҳоли ва бизнесга он-лайн

хизматларнинг ҳукуқий тартибга солиш кетма-кетлигини ишлаб-чиқиш, электрон тижорат бўйича айрим турлари бўйича хизмат кўрсатиш хусусиятларини қонунда қатъий мустаҳкамлаш, электрон тижорат бўйича қонунга мурожаатлар тартибини белгилаб қўйиш, электрон тижоратда қўлланиладиган электрон ҳужжатларни стандартлаштириш, электрон тижорат қатнашчиларининг фаолиятини лицензиялаш жараёнининг тартибини белгилаш масалалари.

Ўзбекистонда электрон тижоратни бир соҳаси бўлмиш электрон ҳукуматни қўллаш жараёни бошланди. Бу соҳада дастлабки қадамлар, давлат идораларининг информацион технологиялар билан жиҳозлаш жараёнидан бошланди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг ягона интернет-портали www.gov.uz сайти яратилди. Бугунгикунда 61 давлат ҳокимияти ва бошқаруви органидан 58 ўз веб-сайтларига эга. Шу билан бир қаторда давлат идоралари ўртасида қоғозсиз ҳужжат айланиши кўрсаткичи ошмоқда.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистонда электрон тижоратни амалга оширишда бир қаторда, муаммолар ҳам мавжуд. Булар - психологик омил (аҳолимиз ҳали виртуал муҳитда савдо қилишни аниқ тасаввур қила олмаяпти), ахборот-коммуникация инфратузилмасининг етарли даражада яхши ривожланмаганлиги, тадбиркорлар томонидан электрон тижорат имкониятларини аниқ тасаввур қила олмасликлари, ўрта ва катта ёшдаги аҳоли ўртасида компьютер саводхонлигининг пастлиги, банклар томонидан интернет тизимида тўловларни амалга ошириш бўйича хизматларнинг (internet-banking) йўлга қўйилмаганлиги ва бошқалар.

Юқоридаги тўсиқларга қарамасдан, Ўзбекистонда электрон тижоратнинг истиқболи порлоқ. Чунки мамлакатимизда АКТ индикаторлари жуда кескин ошмоқда. Ҳамда интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам кескин ортмоқда.

Магистрлик ишини олиб бориш натижасида мамлакатимизда электрон тижоратни ривожлантириш ва уни имкониятларидан етарлича самарали

фойдаланиш юзасидан қуйидаги амалий тавсияларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдим:

1. Мамлакатимизда АКТ инфраструктурасини янада ривожлантириш зарур. Чунки ҳозирги АКТ инфраструктура электрон тижорат имкониятларидан тўлақонли фойдаланишимизга имкон бермайди. АКТ инфраструктурасини ривожлантириш мамлакатимизда электрон тижоратни ҳаётга қўллаш жараёнини тезлаштиради.
2. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришнинг қонунчилик-ҳуқуқий асоси қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш керак. Булар-аҳоли ва бизнесга он-лайн хизматларнинг ҳуқуқий тартибга солиш кетма-кетлигини ишлаб-чиқиш, электрон тижорат бўйича айрим турлари бўйича хизмат кўрсатиш хусусиятларини қонунда қатъий мустаҳкамлаш, электрон тижорат бўйича қонунга мурожаатлар тартибини белгилаб қўйиш, электрон тижоратда қўлланиладиган электрон ҳужжатларни стандартлаштириш, электрон тижорат қатнашчиларининг фаолиятини лицензиялаш жараёнининг тартибини белгилаш масалалари.
3. АКТ инфраструктурасини ривожлантириш билан бир қаторда, аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш зарур. Бунинг учун улғайиб келаётган ёш авлодга информацион технологияларни ишлатиш ва бу борадаги билимларини чуқур ўзлаштиришни таъминлаш керак.
4. Банкларнинг электрон тўловлар билан ишлашда консерватив қарашлардан воз кечишни таъминлаш ва смс банкингни янада ривожлантириш лозим.
5. Тадбиркорларнинг электрон тижорат имкониятларидан фойдаланиш ва уларнинг электрон иқтисодий фаоллигини ошириш учун керакли рағбатлантирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 12.12.2002 й. N 439-II.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 2003й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги 11.12.2003 й. N 562-II
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги 29.04.2004 й. N 611-II
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. 10.04.1998 й. N 150
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори 03.04.2007 й. N ПК-614
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низом 2007 йил 21 ноябрдаги 242-сон қарорига илова.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

10. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси). «Халқ сўзи» г. №220. 13 ноябрь 2010 й.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси/ senat.uz
12. Егорова Т.А. Критерии эргономической и экономической оценки при проектировании предприятия // Организация производственных систем - Варшава: Польша - 1997.
13. Анин Б.Л.О. Защита компьютерной информации. СПб.: ВНУ-Санкт-Петербург, 2000.
14. Аскеров Т.М. Защита информации и информационная безопасность. Учеб. пособие. Под ред. К.И. Курбакова. М.: Рос.экон.акад., 2001.
15. Катаев А.В. Виртуальные предприятия - новая ступень в организации НИОКР //Стратегические аспекты управления НИОКР в условиях глобальной конкуренции: Отчет по НИР № 01.2.00100692. Таганрог: ТРТУ, 2001.
16. Балабанов И.Т. Электронная коммерция / ИХ Балабанов, — СПб.: Питер, 2001.
17. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов.-М.: «Финансы», 2004.
18. Арипов ва бошқ. Ўзбекистон ахборот-оммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. — Т.: «Fan va tehnologiya», 2005.
19. Энциклопедия компьютерных вирусов Евгения Касперского //Электронная версия 2010.
20. IDC, 1999 Knowledge Management Survey.

21. Мильчакова Н. Телекоммуникации в России: Структурные реформы и проблемы повышения рыночной стоимости акций. Ж. «Вопросы экономики» № 7, 2001 г.
22. Мухитдинова М. "Предупреждение кредитных рисков". Бозор, пул ва кредит, № 12, 2001 й.
23. Жамолов Х., Абдуллаев Х. Корхоналарнинг тўловга қодирлиги ва рентабеллиги. Бозор пул ва кредит. 1-сон, 2001 й.
24. The Radicati Group, Inc., Knowledge Management Market Trends 1999-2003.
25. А.Н.Арипов, Т.К.Иминов, Х.А.Мухитдинов. Телекоммуникация соҳасида баҳо ва лицензиялаш сиёсати ва давлат томонидан тартибга солишни эркинлаштириш.-Т.: «Ўзбекистон иқтисодиёти», №4. 2004.
26. А.Н.Арипов. Ахборот-коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммолари. – Т.: Автореферат, 2004.
27. Бутундунё электроалоқа /АКТ ривожлантириш ҳисоботи // ЭАИ – 2006 й.
28. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳисобот материаллари, 2007 й.
29. "Ўзбекистоннинг 2000-2007 йиллардаги асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари". Т.: Давлат статистика қўмитаси, 2000-2008.
30. E-commerce and Development Report 2003 , UNCTAD
31. The Impact of Investment in IT on Economic Performance: Implications for Developing Countries, Rouben Indjikian , UNCTAD, Geneva, Switzerland, 2005.
32. Daniel B. Britton, Stephen McGonegal. The Digital Economy Fact Book, ninth edition, 2007.
33. Information Economy Report 2003, 2005, 2006, 2007-2008, science and technology for development: the new paradigm of ict , prepared by the UNCTAD secretariat, UN, NEW YORK

34. International Financial Statistics (IFS), IMF 2002, 2003;
2004, 2005, 2006, 2007, 2008. www.imf.org

Интернет сайтлари:

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сайти
2. www.ict.uz – Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш агентлиги сайти
3. www.icpt.uz – Ўзбекистон ҳукуматига мамлакат ривожланиши учун ахборот ва коммуникация технологиялари сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмак, БМТТДнинг лойиҳаси сайти
4. www.review.uz. – «Экономическое обозрение» журналининг расмий сайти
5. www.ddi.uz. – БМТТДнинг “Рақамли Ривожланиш Дастури” лойиҳаси сайти
6. <http://www.arsin.ru>
7. <http://www.crime-research.ru>
8. <http://www.inside-zi.ru> (информационно-методический журнал «Защита информации. Инсайд»)
9. <http://www.osp.ru> (журнал «LAN»)
10. <http://www.secju> (форум по ИБ)
11. <http://www.security.com.ua/books> (литература по ИБ)
12. <http://www.wisp.ru>
13. <http://www.old.infosec.ru> (сайт по ИБ)
14. <http://en.wikipedia.org>
15. <http://www.novosoft.ru/solutions>
16. <http://www.intertrustsib.ru>
17. <http://www.iteam.ru>
18. <http://www.awaresystems.be>
19. <http://www.microsoft.com>
20. <http://www.linux.org>